O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLIS PALATASI

Ушбу сонда:
2 НОМУТАНОСИБЛИК
3 ЛОҚАЙДЛИК ИНТИҲОСИ
АНТИҚА ЁРДАМ
4 БУЮК ГУНОҲКОР ВАСИЯТИ

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 25 (381)
2004 йил
29 ИЮН
сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Фермер хўжалиги ҳамда ер участкасини ижарага олиш шартномаси белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган пайтдан эътиборан фермер хўжалиги ташкил этилган деб ҳисобланади.

Фермер хўжалиги туман ҳокимлигида давлат рўйхатига олинганидан кейин юридик шахс мақомини олади, банк муассасасида ҳисоб-китоб ва бошқа хил ҳисоб варақлар очишга, номи ёзилган муҳрга эга бўлишга ҳақлидир. Посёлка, қишлоқ ва овул фуқаролари ўзини ўзи бошқариш органлари ҳар бир фермер хўжалигини Хўжалик китобига киритиб, унда фермер хўжалигининг таркиби, хўжалик бошлиги ёки унинг вазифаларини бажарувчи шахс тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, хўжаликка ажратилган ер участкасига оид асосий маълумотларни қайд этиб қўяди.

Фермер хўжалигини ташкил этишнинг ушбу Қонунда белгиланган тартиби бузилган ёки хўжаликнинг устави қонунга мувофиқ бўлмаган тақдирда фермер хўжалигини давлат рўйхатига олиш рад этилиши мумкин.

Давлат рўйхатига олиш рад этилганлиги ҳамда рўйхатга олиш муддатларининг бузилганлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

"ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 7-МОДДА.

2 июл — Ўзбекистон Республикаси Давлат герби қабул қилинган кун

МИЛЛИЙ ҒУРУР ТИМСОЛИ

Ҳар бир мустақил мамлакат давлат рамзлари бўлган ўз герб, байроқ, мадҳиясига эга бўлади. Мамлакатимиз ҳам ўз мустақиллигини қўлга киритгач, давлат байроғи, герби ва мадҳиясини қабул қилди. Хусусан, 1992 йил 2 июлда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат герби тўғрисида"ги қонунга биноан мустақил давлатимизнинг олий рамзларидан бири — Давлат герби тасдиқланди.

Шу кундан эътиборан гербимиз тасвири Президент девони, Олий Мажлис, Вазирлар Маҳкамаси, Олий суд, Конституциявий суд, Олий хўжалик суди, Бош прокуратура, мамлакатимизнинг дипломатия ваколатхоналари ва консуллик муассасалари, вазирликлар, ҳокимликлар, қўмиталар, ташкилотлар, давлат ҳокимияти ва бошқаруви маҳаллий идораларининг бланкаларида, расмий нашрларда, қоғоз ва танга пулларда, қимматли қоғозлар ва облигацияларда, фуқаролик паспортларида ҳамда қонунда белгиланган бошқа ўринларда акс эттирилади.

Президентимиз Ислом Каримов таърифлаганидек, **давлатимиз рамзлари — байроқ, герб, мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, ғурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштиради, мана шу рамзларни эзозлаш — ўзининг қадр-қимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ишончни мустаҳкамлаш демакдир.**

Таъкидлаш жоизки, давлат рамзлари Ватан тимсоли сифатида ҳамиша муқаддас саналган. Чунки уларда халқнинг тарихи, бугуни ва келажаги ўз ифодасини топган. Шу боис улар миллий ғурур, фидойилик ва ватанпарварликни тарбиялашда энг муҳим восита ҳисобланган. Мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, давлат герби тарихи милоддан аввалги уч мингинчи йилларга бориб тақалади. Ўша замонлардаёқ герб муайян давлатнинг ўзига бўлган ишончини, ўз мустақиллигини ҳимоя этишга тайёр эканини, бунёдкорлик мақсадларини, давлат ва жамият ҳаётининг бошқа жиҳатларини шартли тарзда ифодалаган.

Шу ўринда айтиш жоизки, Соҳибқирон бобомиз Амир Темур тузган марказлашган давлат ўзининг герби — уч ҳалқа шаклидаги тамғаси билан дунёга танилган.

Ватанимиз истиқлолга эришгач, ҳаётимизнинг азалий орзу-истаклари, эзгу интилишлари мамлакатимизнинг янги давлат рамзларида, шу жумладан, унинг Давлат гербида ўзининг ёрқин ифодасини топди.

Халқимизнинг ватанпарварлик туйғулари, унинг озодликка ва бахт-саодатга интилиши ҳар бир фуқаромиз учун тобора муқаддас мазмун касб этаётган янги давлат рамзларида бор бўй-басти билан намоён бўлмоқда. Айниқса, Давлат гербининг ушбу яққол тасвири бунга аниқ мисол бўла олади: думалоқ кўринишга эга шаклнинг сўл томони буғдой бошоқларидан, ўнг томони эса чаноқлари очилган ғўза шохларидан иборат чамбарга ўралган, узоқдаги тоғлар ва дарёлар манзарасида гуллаган водий узра қуёш заррин нурларини сочиб турибди. Гербнинг юқори қисмида Ўзбекистон озодлигининг рамзи сифатида саккизбурчак юлдуз, унинг ички қисмида эса яримой ва юлдуз, марказида — бахт ва эрксеварлик рамзи — қанотларини ёзган Ҳумо қуши тасвирланган. Гербнинг пастки қисмида юртимиз Давлат байроғини ифода этувчи чамбар тасмасига **"Ўзбекистон"** деб ёзиб қўйилган.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, **миллий тимсоллар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик, улуғ тарбия воситасидир.**

Фахриддин БЕГАШЕВ

E`tirof

Ўтган ҳафтада мамлакатимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари байрами кенг нишонланади. Шу муносабат билан Президент Ислом Каримов байрам табриги йўллади. Унда информацион курашлар кучайиб бораётган ҳозирги глобаллашув шароитида матбуот, айниқса, журналистлар зиммасида бир-биридан долзарб, бир-биридан масъулиятли вазифалар тургани, бироқ уларнинг орасидаги энг муҳим йўналиш халқимиз манфаатларини ҳимоялашдан иборат эканлиги алоҳида таъкидланган.

ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИ ҲИМОЯЧИСИ

Хўш, матбуот ходимлари ва журналистлар ана шу масъулиятли вазифани қай тариқа адо этмоқда?

Бунга жавобан шуни айтиш жоизки, бу борада ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам йўқ эмас. Бир сўз билан айтганда, юксак савия ва маҳорат билан ёзилган ёхуд тайёрланган мақола, кўрсатув ёки эшиттириш ютуқ, аксинчаси эса камчилик ҳисобланади. Аслини олганда, ҳар қандай ишда ҳам қувонадиган ва афсусланадиган жиҳатлар бўлиши табиий. Лекин назаримизда, ҳамма гап нуқсонларни тузатиб бориш ҳамда муваффақиятларга маҳлиё бўлиб қолмасликда. Шу маънода журналистлар фаолияти холислик, фидойилик, изланувчанлик ва ҳушёрликдан иборат бўлмоғи лозим. Бундай дейишимизнинг боиси шундаки, журналист ҳар бир масалага холислик билан ёндашиши, адолатга суяниб қалам тебратиш лозим. Шунингдек, у фидойи бўлиши, воқеа-ҳодисаларга теран назар ташлаб, уларни халқимизнинг манфаатларидан келиб чиқиб, баҳолаши зарур. Зеро, Президентимиз таъбири билан айтганда, **табиийки, ҳимоялаш деганда, биз барчамиз жуда кенг маъноні кўзда тутамиз. Биринчи галда, бу сўз орқали миллатни миллат, халқни халқ қиладиган азалий урф-одат ва миллий-диний қадриятларимизни асраб-авайлашни англаймиз.**

Ҳимоялаш деганда, бизнинг ғоямиз бўлмиш юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва халқ фаровонлигига эришиш, мухтасар айтганда, эркин, озод ва обод ҳаёт барпо этиш йўлидаги ғов ва муаммоларга халқнинг кўзини кенг очиб бериш, уларни йўлдан олиб ташлаш учун ўз маҳорати ва истеъдодини бағишлашни тушунамиз.

Юртимизга қарши қаратилган информацион хуружларга зарба бериш, биз танлаган эзгу мақсад ва муддаоларни кўролмайдиган четдаги ва ўзимиздан чиққан айрим тили бурро шоввозларни, турли ниқоблар остида ўзини ҳаммадан доно, бизга энг яқин ёрдамчи ва маслаҳатгўй қилиб кўрсатадиган, ҳатто миллий анъаналаримиз ва ҳаёт тарзимизни ўзимиздан ҳам яхшироқ билишни даъво қиладиган кимсаларнинг сохта уринишларини фош этиш ҳам халқимиз манфаатларини ҳимоя қилишнинг яна бир амалий намоёнидир.

Хуллас, журналистлар зиммасига масъулиятли, шарафли, оғир ва машақкатли вазифа юклатилган. Журналистлар ана шу вазифа ва бурчларини тўлиқ адо этгандагина халқимиз манфаатлари ҳимоячисига айланишади. Бу эса улар фаолиятига берилган энг юксак баҳодир.

ТАҲРИРИЯТ

Anjuman

САЙЛОВ ТАРАДДУДИ ВА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Халқимиз ўта муҳим ижтимоий-сиёсий воқеликни қаршилаш тараддудида турибди. Ҳозирда қонун ижодкорлигини сифат босқичига олиб чиқадиган янги Парламентга бўлиб ўтадиган сайловларга қизғин тайёргарлик кетмоқда.

Хўш, бўлажак сайловлар қандай кечади? Унда иштирок этишни мўлжаллаётган сиёсий партияларнинг фаолияти жамоатчиликни қаноатлантирадими? Умуман, бу борада қандай муаммолар бор? Уларнинг оқилона ечимини топиш учун қандай йўл тутиш лозим? Бошқача айтганда, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар ўзлари учун яратилаётган имкониятдан қандай фойдаланмоқда?

Адлия вазирлигида Олий Мажлиснинг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси ҳамкорлигида "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги қонун ҳужжатлари: сиёсий партияларнинг тутган ўрни ва роли" мавзусида бўлиб ўтган семинарда ана шу масалалар борасида сўз юритилди.

Анжуманда Олий Мажлис қўмиталари раҳбарлари, Олий Мажлис депутатлари, Конституциявий, Олий ва Олий хўжалик судлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари, Марказий Сайлов комиссияси аъзолари, олимлар, жамоат бирлашмалари фаоллари ҳамда Ўзбекистон Халқ Демократик партияси, "Адолат" социал демократик, "Фидокорлар" миллий демократик, Ўзбекистон "Миллий тиклаиш" Демократик, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон либерал-демократик партиялари раҳбарлари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

"Сайлов қонунчилигида халқаро стандартларнинг акс этиши", "Фуқаролик жамиятида сиёсий партияларнинг ўрни", "Янги Парламентга сайловларда сиёсий партияларнинг роли" мавзусидаги маърузалар тингланди. Бундан ташқари, фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг раҳбарлари ва вакиллари ўтказиладиган сайловларда фаол иштирок этиш ҳамда уларни уюшқоқлик билан ўтказиш борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди. Анжуман жонли ва танқидий руҳда ўтди. Унда ютуқ ва камчиликлар батафсил таҳлил этилди.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ

Tahlil ko`zgusi

ТАДБИРКОРЛИК ва ТАРАҚҚИЁТ

Адлия вазирлигининг шу йилнинг 24 июн куни бўлиб ўтган Ҳайъат мажлисида Жиззах вилоятида кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга доир қонунларнинг қандай ижро этилаётгани, шу жумладан, хорижий сармоя иштирокидаги инвесторлар билан боғлиқ масалалар, фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартнома интизоми, қишлоқ хўжалигига оид қонунларга риоя қилинишининг аҳволи, шунингдек, Жиззах вилояти адлия бошқармаси фаолияти юзасидан вазирлик ишчи гуруҳи 2004 йил май ойида ўтказган ўрганиш натижалари муҳокама этилди.

Ҳайъат мажлисида таъкидландики, Жиззах вилояти адлия бошқармаси томонидан ўтган давр мобайнида бир қатор ишлар амалга оширилган. Жумладан, бошқармага ўрганилган даврда 158 та шикоят ва аризалар келиб тушган, уларнинг 108 таси қаноатлантирилган. Шунингдек, "Ишонч телефонлари"га 15 нафар фуқародан мурожаат қабул қилинган ва уларнинг 3 нафари бузилган ҳуқуқлари тикланган. Ўрганиш кунига қадар тадбиркорлик субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар манфаатларини кўзлаб судларга 1 232 миллион сўмлик 281 та даъво аризалари киритилган ва бу даъво аризаларининг 58 таси, яъни 44 миллион сўмдан ортиғи қаноатлантирилган. Қонунбузарликларни бартараф этиш юзасидан тегишли идораларга 55 та тақдимнома киритилиб, унга асосан 24 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган.

Шундан 4 нафари вазифасидан озод этилган, 4 нафари маъмурий ва 2 нафари жиноий жавобгарликка тортилган. Шунингдек, тақдимномаларга асосан тадбиркорларнинг 7 400 000 сўмлик маблағи қайтариб берилган.

Адлия вазирлигининг 2003 йилда вилоятда ўтказган ўрганиши натижасида киритилган тақдимнома ижроси юзасидан судларга 123 949 181 сўмлик 210 та даъво аризалари киритилган. Қонунбузарликларга йўл қўйган ходимлардан 270 нафари интизомий жавобгарликка тортилган. Шундан 147 нафарига "ҳайфсан", 72 нафарига жарима интизомий жазоси қўлланилган ва 51 нафари эгаллаб турган вазифасидан озод этилган.

(Давоми иккинчи бетда)

ТАШВИШ КЕЛТИРГАН ХАТОЛИК

қонун талаблари бузилишидан келиб чиқди

Saboq

Қонун талаблари бузилган, адолатсизликка йўл қўйилган жойда турли хил келишмовчилик, араз, дилхиралик келиб чиқади. Бу эса охир-оқибат қўлга қоғоз-қалам олиб, мутасадди идораларга шикоят ёзишга сабаб бўлади.

Пахтакор туманидаги Ўртаовул қишлоғида яшовчи фуқаронинг худди шу тариқа юзага келган мурожаатини яқинда Жиззах вилояти адлия бошқармаси мутахассислари жойида ўрганишди. Ўрганиш чоғида туман ҳокимининг 2003 йил 22 майда қабул қилган 282-сонли қарори қонунга зид экани аниқланди. Адлия бошқармаси қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва келгусида бундай камчиликларнинг олдини олиш ҳақида туман ҳокими Э.Солиев номига тақдимнома киритди. Туман ер ресурслари хизмати бошлиғи К.Жўрабоев ер ажратишда амалдаги қонун талабларини бузмаслик тўғрисида расман огоҳлантирилди.

Масала нима ҳақда кетаётганини англаш учун **"Деҳқон хўжалиги тўғрисида"**ги қонунига бир кўз ташлаш кифоя, назаримизда. Чунки бу қонуннинг 3-моддаси талабига кўра, деҳқон хўжалиги аъзолари жумласига биргаликда яшаётган ва деҳқон хўжалигини биргаликда юритаётган оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари, шу жумладан, фарзандликка олинган болалари, ота-оналари, меҳнатга қобилиятли ёшга етган бошқа қариндошлар кириши кўрсатилган. 8-модданинг 1-бандида эса қишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқа мутахассисларнинг илаларига деҳқон хўжалиги юритиш учун томорқа ер участкаси суғориладиган ерларда 0,35 гектаргача ўлчамда берилиши белгилаб қўйилган.

Ўртаовул қишлоғилик Конигул Искандарова ва Мирзақобил Холмўминов она-бола. Улар бир оилада яшаб, биргаликда рўзғор тебратишади. Туман ҳокимининг юқорида қайд этилган 282-сонли қарори билан "Бахмал" агрохизмат маркази ҳудудининг 82-контуридан уларнинг ҳар бирига деҳқон хўжалиги юритиш учун 0,35 гектар, жами 0,70 гектар ер майдони ажратилган. Бир оилага 0,35 ўрнига 0,70 гектар ер ажратиб берилгани биринчи хато эди.

Туман ер ресурслари хизмати мутахассислари К.Искандарова ва М.Холмўминовга 0,35 гектардан ажратилган жойнинг схемасида ер участкалари чегарасини алоҳида кўрсатмасдан 0,70 гектарни умумий тарзда белгилаб беришган. Улар бу ҳаракатлари билан деҳқон хўжаликлари билан ер ажратиш ҳақида шартномалар тузишни унутишган. Аниқроғи, далолатнома тузиш билан кифояланишган, холос. Далолатномада ҳам ҳар иккала деҳқон хўжалигига чегарадош ер эгалари ва бошқа шартли белгиларга умуман аҳамият берилмаган. Бу иккинчи хатолик эди.

Учинчи хато ҳаммасидан ҳам ошиб тушди. Туман архитектура бўлими ва туман ер ресурслари хизматидан олинган маълумотномаларга қарасангиз ҳайратдан ёқа ушлайсиз. Низога сабаб бўлган 82-контурдаги ер майдони аҳоли пунктларининг ерлари тоифасига кирар экан. Бундай тоифадаги ер майдони деҳқон хўжалиги юритиш учун эмас, балки уй-жой участкаси қуриш учун берилиши керак.

Мана, гувоҳи бўлганингиздек, қонун талаблари бузилишидан келиб чиққан бир хато ўз ортидан бошқаларини эргаштириб келди. Кўпчиликка ташвиш туғдирди. Одамлар ўртасида гина, аразга сабаб бўлди. Адлия бошқармасининг аралашуви билангина масала адолатли ечим топди. Демак, бундан сабоқ чиқариш лозим.

Шавкат ЯХШИЕВ,
ҳуқуқшунос
Ҳамид ЭГАМ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Talab, taklif, mulohaza

Жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш масаласи азал-азалдан долзарб муаммолардан бири бўлган. Ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан бошлаб жиноятчиликнинг янги кўриниши — уюшган ташкилий жиноятчилик авж ола бошлади. Ташкилий жиҳатдан жипсланган, муайян режа ёки мақсад билан жиноий фаолиятини амалга оширувчи уюшган жиноий унсурлар ўта хуфиёна йўл орқали бойлик тўплай бошлади.

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК:

МУАММО ВА ЕЧИМ

Бугунги кунда халқаро майдонда уюшган жиноятчилар турли усуллардан фойдаланиб, мудҳиш оқибатларга сабаб бўлаётган ўта оғир жиноятларни содир этмоқда. Улар наркобизнес, террорчилик, яширин қурол-аслаҳа сотиш, алдаш ёки ёллаш орқали одамларни эксплуатация қилиш ёки сотиш (қулликнинг бир кўриниши) ёхуд аёлларни фоҳишабозликка мажбурлаш орқали мўмай текин даромад топишни ўзларига касб қилиб олган.

Шу ўринда ташкилий жиноятчиликнинг бунчалик илдиз отиб кетишига сабаб нима, унинг пайини қирқишнинг иложи борми, халқаро ҳамжамият бундай жиноятчиликнинг ҳар қандай кўриниши ёки шаклига қарши кураш олиб бормаяпдими, деган ҳақли саволлар туғилади. Бунга жавобан шуни айтиш жоизки, бу борада кенг қамровли самарали тадбир амалга оширилмоқда. Жиноятчиликка қарши халқаро ҳамжамият томонидан қатор Конвенция ва меъёрлар қабул қилинган. Бундан ташқари, ҳар бир давлат қонунчилиги доирасида уюшган жиноятчилик, жиноий ташкилотларнинг қилмишларини фош этиш, иштирокчиларнинг жиноий жавобгарликка тортиш, жазолаш механизмидан самарали фойдаланишга жуда катта эътибор қаратмоқда.

"Хуфиёна иқтисодиёт"ни касбга айлантирган жиноятчи унсурлар жиноий фаолиятдан орттирган даромадларига қонуний тус беришда ҳам "одатдагидек" хуфиёна, махфий усуллардан эҳтиёткорлик билан фойдаланади. Бошқача айтганда, моддий жиҳатдан қийин аҳволда бўлган шахсларни арзимаган пул эвазига ёллаб, уларнинг юридик шахс мақомини олишига кўмаклашиб, жиноятда иштирокчилар сонини кўпайтиради.

Таъкидлаш жоизки, 1990 йилнинг 8 ноябрида қабул қилинган **"Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни тозалаш, аниқлаш, олиш ва мусодара қилиш тўғрисида"**ги халқаро Конвенцияга қўшилган ҳар бир давлат ўзининг миллий жиноят қонунида жиноий йўл билан топилган пул ёки нарсаларни ошкорлаштириш юзасидан жиноий жавобгарлик белгилаш мажбуриятини олган.

(Давоми учинчи бетда)

Tahlil ko`zgusi

ТАДБИРКОРЛИК ва ТАРАҚҚИЁТ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Шуни таъкидлаш керакки, Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи томонидан шу йилнинг январ ойида вилоятда 725 нафар тадбиркорлар ўртасида ўтказилган сўров натижалари ҳам вилоятда тадбиркорликнинг ривожланиши учун бир қатор муаммолар мавжуд эканини кўрсатади. Хусусан, сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 334 нафари давлат рўйхатидан ўтказиш, 200 нафари ер, 231 нафари кредит ажратиш, 39 нафари турғун савдо учун жой ёки бинони ижарага олишда белгиланган муддатларга риоя қилинмагани, 217 нафари давлат рўйхатидан ўтиш, 220 нафари банкда ҳисоб рақами очиш, 121 нафари савдо қилиш учун рухсатнома олишда қонунчиликда назарда тутилмаган ортиқча ҳужжатлар талаб қилинганини билдиришган.

Бундан ташқари, сўровда қайд этилган қонунбузилиш ҳолати мавжудлиги жорий йилда ўтказилган ўрганишларда ҳам ўз тасдиғини топиб, вилоятда кўплаб қонунбузилишлар аниқланди. Жумладан, 34 та ҳолатда тадбиркорларнинг маблағларини ноқонуний жалб қилиш бўйича қарор ва фармойишлар қабул қилинган ва оқибатда 1019 нафар тадбиркорнинг маблағи ноқонуний тарзда бошқа мақсадларга жалб этилган. Шунингдек, шикоят ва аризаларни кўриб чиқишда 846 та, рўйхатга олишда 1303 та, ер ажратишда 919 та, коммуникация тармоғига уланишда 144 та, лицензия ва бошқа рухсатномаларни олишда 54 та, кредит ажратишда 620 та, солиққа оид 656 та, маъмурий жавобгарликка тортишда 1283 та, шартномаларнинг тузилиши бўйича 3361 та, уларнинг бажарилиши бўйича 3054 та қонунбузарликларга йўл қўйилган.

Ўрганишда аниқланган қонунбузарликларнинг сони ўтган йилга нисбатан 9751 тага камайган.

Албатта, ўтган тўрт йил давомида вилоятда ўтказилган ўрганишлар натижасида аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш ҳамда тегишли чоралар кўриш юзасидан тегишли тақдимнома киритилган бўлишига қарамай жойларда қонунбузарликлар ҳамон содир этилмоқда. Шунинг учун Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи бу гал асосий эътиборни аниқланган қонунбузилиш ҳолатини жойининг ўзида бартараф этиш, уни содир этганларни жавобгарликка тортишга қаратди. Жумладан, ишчи гуруҳи томонидан ўрганиш натижаларига кўра, судларга 54 миллион сўмдан ортиқроқ миқдордаги 119 та даъво аризалари киритилди.

Бундан ташқари, 30 нафар шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар берилди.

Мазкур маъмурий ишларнинг барчаси кўриб чиқилиб, айбдор шахсларга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди ва 1 миллион сўмдан ортиқ миқдорда маъмурий жарималар ундириш тўғрисида суд ва тегишли идоранинг қарорлари қабул қилинди.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, қонунбузарликка йўл қўйган ҳар бир айбдор мансабдор шахслар муқаррар жавобгарликка тортилади. Тадбиркорларга етказилган ҳар бир зарар ундириб олинади.

Ўтказилган ўрганишлар жараёнида солиқ идоралари томонидан МЖТКнинг талабларини бузганлик ҳолатлари юзасидан маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар бўйича чиқарилган 152 та қарорни бекор қилиш бўйича вилоят давлат солиқ бошқармасига 9 та тақдимномалар киритилди. Мазкур тақдимномаларга асосан 7 та қарор бекор қилинди. Зарбдор, Ғаллаорол ва Арнасой туманлари Давлат солиқ инспекцияларига жами 1 380 822 сўмлик ортиқча олинган маблағ ва ноқонуний ҳисобланган 1 012 600 сўмлик устамани бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритилиб, ортиқча маблағлар қайтарилди ва айрим корхоналар бўйича бошқа солиқ турига қайта ҳисобланди. Ўрганиш жараёнида 26 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилди. 33 та маъмурий иш юзасидан чиқарилган 1,5 миллион сўм миқдордаги қарорлар ўрганиш жараёнининг ўзида бекор қилдирилди. Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш жараёнида ортиқча ундирилган 60 560 сўм маблағ эгаларига қайтариб берилди.

Бундан ташқари ўтказилган ўрганиш давомида Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги "Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"ги 357-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаблари туман (шаҳар) рўйхатга олиш ипнспекциялари томонидан бузилаётган ҳолатлар ҳам мавжудлиги аниқланди.

Шунингдек, 2003 йилда адлия вазирлиги ходимлари томонидан ўтказилган ўрганишда рўйхатга олиш борасида 815 та қонунбузилиш мавжуд экани аниқланган бўлса, жорий йилда бу рақам 1303 тани ташкил этмоқда.

Ўрганишлар давомида солиққа оид 656 та қонунбузарлик ҳолати мавжуд экани аниқланди. Бу соҳада қонунбузилиш ҳолати кўплаб учрашининг асосий сабаби Вазирлар Маҳкамасининг 357-сонли қарори талабларига тўлиқ амал қилмаслик билан изоҳланади. Якка тартибдаги тадбиркорлар ва юридик шахсларга "СТИР" рақами беришда муддатларнинг бузилишига йўл қўйилаётгани, аризаларни белгиланган муддатда кўриб чиқмаслик, тадбиркорлик субъектларининг бир солиқ туридан ортиқча маблағлари мавжуд бўлишига ва улар бошқа солиқ тури бўйича қарздорликни қоплашига қарамай уларнинг бошқа солиқ туридан бўлган қарзига ноқонуний устама ҳисоблаб, "инкасса" топшириқномалари билан ҳисоб рақамларидан пул маблағлари олиб қўйилмоқда. Масалан, Зарбдор туманидаги "Достон-БУ" хусусий фирмасининг бир солиқ туридан 206,2 минг сўм миқдорида ортиқча тўлови мавжуд бўлишига қарамай унинг бошқа солиқ туридан бўлган 26,6 минг сўм қарзи учун 4,6 минг сўм устама ҳисобланган. Бунинг оқибатида шу йилнинг 1 май куни фирманинг 100 минг сўм ортиқча маблағи "инкасса" топшириқномаси билан ундириб олинган. Бундай ҳолатни "Ғалаба", "Бийкелди", "Сароб" ва "Истиқлол" фермер хўжаликлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда тижорат банклари фаолиятидаги рўй берган қонунбузилиш ҳолатлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш лозим. Ўтказилган сўровда иштирок этган тадбиркорлик субъектларининг 461 нафари *ўз маблағларидан эркин фойдаланишда* турли тўсиқларга дуч келаётгани ва 231 нафари кредит ажратишда қонунбузилишга йўл қўйилаётгани билдиришган. Бу ҳолатлар вилоятдаги тижорат банклари фаолиятини ўрганиш жараёнида тўлиқ ўз исботини топди.

Ишчи гуруҳи томонидан тижорат банкларида ўтказилган ўрганишларда тадбиркорлик субъектларини банкда сақланаётган пул маблағларидан эркин фойдаланиш ҳуқуқини бузиш, бу маблағларни уларнинг розилигини олмасдан турли мақсадларда фойдаланиш, банк сирини ошкор этиш, ортиқча ҳақ ундириш қонунбузилиш ҳолати мавжудлиги аниқланган. *Масалан,* "Тадбиркорбанк"нинг Арнасой тумани бўлими томонидан "Бешбола" фермер хўжалигига тегишли тўлов топшириқномаларининг бўш бланклари хўжалик раҳбарининг имзо ва муҳри билан тасдиқлантирилган ҳолда банкда сақланаётгани аниқланди. Худди шундай ҳолат яна 10 та фермер хўжалиги мисолида ҳам учрайди. Шунингдек, "Пахтабанк"нинг Зарбдор тумани бўлими томонидан "Анвар-1" фермер хўжалигининг шу йил 1 мартдаги 60 000 сўмлик 15-сонли тўлов топшириқномаси 2 апрелда, яъни бир ойдан ортиқ вақт ўтганидан кейин ижро этилган. Мазкур банкда яна 12 та ҳолатда худди шундай қонунбузарликларга йўл қўйилган.

Ўтказилган сўровда иштирок этган тадбиркорларнинг 1125 нафари шартнома бўйича ҳисоб-китоблар ва хизматлар ўз вақтида амалга оширилмаётганини таъкидлашган. Хусусан, фермер хўжаликлари билан тайёрлов ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузилган шартномалар бўйича тегишли хизматлар кўрсатилмаган, етказиб берилган маҳсулотлар учун уларга тегишли ҳақлар ўз вақтида тўланган.

Ўрганиш жараёнида вилоятдаги фермер хўжаликларининг кўпчилигига 2003 йилда етиштирган ғалла ҳосилининг пули ҳосил топширилгач, шартномада белгиланган тартибда 7 кунлик муддатда эмас, балки 2004 йилнинг апрел ойларига келиб тўлангани, уларнинг айримларига мазкур пул маблағлари ўрганиш кунига қадар ҳам тўлаб берилмаган ҳолатлар мавжудлиги аниқланди. Шунингдек, ўрганишлар вилоятдаги баъзи таъминотчи ташкилотлар томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 4 сентябрдаги 383-сонли қарорининг айрим талаблари бажарилмаётганини кўрсатди. Хусусан, қарор талабларига кўра, фермер хўжаликларига минерал ўғитлар ва нефт маҳсулотларини етказиб бериш харажатлари корхоналарнинг ўзлари ҳисобидан қопланиши белгиланган бўлишига қарамай, "Нефт маҳсулотлари" компанияси ва "Ўзқишлоқхўжаликкимё" акциядорлик жамиятлари тизимига кирувчи корхоналар транспорт харажатларини фермер хўжаликларидан ундириб келмоқда.

Бунинг оқибатида асосий қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилари ҳисобланган фермер хўжаликларига моддий зарар етказилган. Шу сабабли мазкур корхоналарга 11.980.000 сўмлик ортиқча ундирилган транспорт харажатларини қайтариш бўйича талабномалар киритилди.

Шунингдек, Ҳайъат мажлисида вилоят адлия бошқармаси фаолиятига танқидий баҳо берилди. Камчилик ва муаммолар рўй-рост айтилди. Жумладан, вилоят адлия бошқармаси бошлиғи Ҳасан Йўлдошевга жорий йилнинг охирига ва мавжуд муаммо ва камчиликларни бартараф этиш, ҳайъатда муҳокама қилинган масалалардан тўғри хулоса чиқариш учун муддат берилди.

Ҳайъат мажлисида муҳокама қилинган масалалардан келиб чиқиб, Жиззах вилоят ҳокимлигига тақдимнома киритилди.

Шодибек МАМАТОВ,
Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи

Bugunning gapi

ҚОНУННИ БИЛГАН КАМ БЎЛМАЙДИ

Деҳқончиликда ер билан ернинг, йил билан йилнинг фарқи бор. Янгиобод туманидаги "Шукурбой ўғли Ҳасан" фермер хўжалиги раҳбари У.Бегимқулов кўп йиллик ҳаётий тажрибасида бунга тўлиқ амин бўлган. У ўзи раҳбарлик қилаётган фермер хўжалигининг ер шароитини яхши билади. Шундай бўлса-да, ҳар йили об-ҳавонинг қандай келишини аввалдан билишга қизиқади. Йилнинг қирғоқчил келиши ёки дўл-жала ёғиб экинга зарар етказиши мумкинлигини ҳам унутмайди. Табиий офатнинг зарар етказиши эҳтимолини ўйлаб, чора излайди.

Шу боис ўтган йилнинг 21 февралида фермер хўжалиги раҳбари У.Бегимқулов "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик компанияси Янгиобод тумани бўлими билан 100 гектар ер майдонидаги ғалла учун қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилининг ихтиёрий суғуртаси тўғрисида 4-сонли суғурта шартномаси тузиб қўйганди. Суғурта миқдори 1 миллион 397 минг сўмни ташкил этгани учун фермер суғурта компанияси туман бўлимига 139 минг 700 сўм суғурта бадали тўлади.

Ўзини билган деҳқон "ҳосил бўлмай кетса, менга фарқи йўқ, суғуртачилар зарарни қоплайди", деб кутиб ўтирмайди. У меҳнатига қуйиб қолишни ҳам ҳеч қачон истамайди. Об-ҳаво эса деҳқоннинг кўнглига қараган эмас. У кутилмаганда ўзгариши, деҳқонни шошириб қўйиши мумкин.

Ўтган йили ҳам шундай бўлди. Ғалла майсалари гуркираб ривожланаётган бир паллада, аниқроғи, 26 май куни кучли ёмғир ёғди. Ёмғир кейинчалик кучли жалага айланди. Фермер хўжалигининг 70 гектар ғаллазоридаги буғдой пайҳон бўлди.

Фуқаролик кодексининг 951-моддасида мулкий суғурта шартномаси бўйича суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ўзига маълум бўлганидан сўнг бу ҳақда дарҳол суғурталовчи ёки унинг вакилини хабардор қилиши шартлиги кўрсатилган. У. Бегимқулов ҳам худди шундай йўл тутди. У зарурий ҳужжатларни тайёрлаб, "Ўзагросуғурта" давлат акциядорлик компанияси туман бўлимига хабар жўнатди. Туман суғуртачиларидан М.Ахмедов, М.Норматов ҳамда "Ўзагросуғурта" ДАСК Жиззах вилоят бўлими ходими Б.Тошболтаев фермер хўжалиги далаларига келишади. Буғдойзордаги ачинарли аҳволни кўриб, далолатнома тузишади.

Ҳосилни ўриб-йиғиш пайтига келганда, У.Бегимқулов яна суғурта компаниясидагиларни суриштиради. Лекин уларни тополмайди. Бу ёқда ғалла ўриш комбайни дала бошига келиб турибди. Шундай бўлгач, ўримга рухсат беради. Қарангки, ҳосил йиғиштириб олингач, тарозига тортилса, табиий офатдан зарарланган 70 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 1,1 центнердан ҳосил олинибди. Ахир, фермер хўжалиги аъзолари 70 гектар майдонга қанча минерал ўғит сарфлашганди. Техникани ишлатишга кетган харажатларчи?

Шу ўринда айтиб ўтиш жоизки, фермер хўжалиги аъзолари табиий офатдан зарарланмаган 30 гектар майдондан мўл ҳосил кўтаришди. Шу боис зарар етган майдоннинг ҳам шартномавий режадаги ҳосилини қоплашди. Агар ғалла пайҳон бўлмаганида фермер хўжалиги аъзолари нақд фойданинг остида қолиб кетишаркан. Бу гапни бежиз таъкидлаётганимиз йўқ. Чунки вилоят хўжалик судида "Шукурбой ўғли Ҳасан" фермер хўжалиги манфаатини кўзлаб "Ўзагросуғурта" ДАСК Янгиобод тумани бўлими ва кўшимча жавобгар "Ўзагросуғурта" ДАСКдан 1 миллион 397 минг сўм суғурта қопламасини ундириш тўғрисидаги даъвони кўришда қизиқ бир ҳолат рўй берди. Суд мажлисида иштирок этган жавобгар томон вакиллари фермер хўжалиги ғалла тайёрлаш ва сотиш шартномавий режасини бажаргани, зарар кўрмаганини айтишиб, суддан даъвони рад қилишни сўради.

— Жавобгарларнинг бундай кўрсатмалари билан келишиб бўлмайди, – дейди вилоят хўжалик суди судьяси М.Ёқубов. — Суд қонун талабидан келиб чиқиб, даъвогарнинг даъвосини асосли деб топди. "Ўзагросуғурта" ДАСК Янгиобод тумани бўлими ва "Ўзагросуғурта" ДАСК ҳисобидан "Шукурбой ўғли Ҳасан" фермер хўжалиги фойдасига 1 миллион 397 минг сўм суғурта қопламаси ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Бу иш Олий хўжалик судида ҳам кўриб чиқилиб, вилоят хўжалик судининг мазкур ҳал қилув қарори ўз кучида қолдирилди.

Ортиқча изоҳга ўрин борми? Бизнингча, йўқ. Чунки қонунга таянган киши ҳеч қачон кам бўлмайди.

Урдуш ЭРГАШЕВ

Nadomat

МУРОСАНИ БИЛМАГАЧ...

"Ер тўғрисида"ги ва "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги қонунларда белгилаб берилган имтиёзлар қорақалпоғистонлик Мардон Текебоевни кучига куч қўшди. Шундан руҳланган Мардон деҳқон хўжалиги ташкил қилиш ниятида ариза ёзди ва шу асосда унга Беруний туман ҳокимининг 2002 йил 2 январдаги 04/01-сонли қарорига биноан Маҳтумқули номидаги ширкат хўжалигининг 2-бригадаси ҳудудидан 530-контурдан 0,34 гектар ер майдони ажратиб берилди. Афсуски, Мардон ўзини олдинда катта ғалвалар кутаётганидан бехабар эди. Гап шундаки, унга қонун йўли билан ажратиб берилган ер майдонига "эга" чиқиб қолди. Эмишки, 1,9 гектарлик мазкур контурда ширкат хўжалиги пудратчиси Ёқутжон Курбонова деҳқончилик қилаётган экан. Шу баҳонада Ёқутжон Мардонни экин майдонига йўлатмади. Натижада Мардон ўз қонуний ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиб, Беруний туманлараро фуқаролик судига мурожаат этди. 2002 йилнинг 24 май куни суд масалани Мардон Текебоев фойдасига ҳал қилди. Аммо Ё.Қурбонова отдан тушса ҳам эгардан тушмади. Оқибатда иш Қорақалпоғистон Республикаси Олий фуқаролик судида кўриб чиқилди ва бу гал ҳам Мардон Текебоевнинг қонуний даъвоси қаноатлантирилди. Бироқ "йиқилган курашга тўймас" қабилида иш тутган Ёқутжон Қурбонова яна чекинишни истамади. Аниқроғи, улар суд ижрочиларини зўравонлик билан майдонга қўймади. Кейинги сафар эса ерга трактор олиб кирилганида унинг олдига тўғаноқ бўлиб олди. Хуллас, иш шу билан тугадики, Ёқутжоннинг турмуш ўртоғи Ойбек Жаметов Мардон Текебоев номида бўлган деҳқон хўжалиги экин майдонини ўзбошимчалик билан эгаллаб олгани учун жиноят ишлари бўйича Беруний туман суди томонидан ҳуқуқбузар деб топилди ва унга «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг 183-моддаси билан молиявий жарима солинди. 2002 йилнинг 27 ноябрида у суд ҳукми билан иккинчи марта жарима жазосига жалб этилди.

Қонун билан узоқ ўйнашиб бўлмаслигини англаган Ойбек энди «ҳужум»га Ёқутжонни шайлади. Ёқутжон ҳам изма-из икки марта — 2003 йилнинг 20 июни ва 28 августида ноқонуний хатти-ҳаракатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилди.

Инсофли, иймон-эътиқодли кимсаларга мана шуларнинг ўзи етарли эди. Аммо...

Қисқаси, яқинда Беруний туман прокуратураси томонидан ҳуқуқбузар Ёқутжон Қурбоновага нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

Ёқутжон Қурбонова туманнинг Маҳтумқули номидаги ширкат хўжалигида анча йиллардан буён меҳнат қилади. Турмуш ўртоғи Ойбек Жаметов олий маълумотли мутахассис, мактабда болаларга сабоқ беради. Овулдошлар орасида ўзига яраша обрў-эътибори бор. Шунга қарамай, улар қонун талабларига бўйсунишни истамаяпти. Бу эса пушаймонликдан бошқа нарса келтирмаслиги аниқ.

Орифжон ҚЎЧҚОРОВ,
ҳуқуқшунос

Dakki

ФЕРМЕРНИНГ ҲАКИ КУЙМАДИ

лекин маънавий зарарни ким тўлайди?

Иш билганга минг танга, деб бекорга айтишмаган экан. Улуғнор туманидаги "Абдуқодир ота" фермер хўжалигининг бошлиғи Абдулҳамид Абдуқодиров ҳукуматимиз томонидан фермерларга яратилган имконият ва имтиёзлардан фойдаланиб, лизинг шартномаси асосида "Ўзқишлоқхўжаликмашлизинг" компаниясининг Андижон филиалидан "ТТЗ-80" русумли трактор олганди. Ана шу трактор билан у фермер хўжалигининг ерларига ишлов бериб юрди. Аммо фермер хўжалигининг ер майдони кичик бўлгани учун трактор кўп вақт бекор туриб қолар эди. Шунинг учун 2003 йил давомида шартнома асосида "Шаҳрихон" ширкат хўжалиги далаларида трактор билан хизмат кўрсатилди. Бажарилган ишларга ҳар ойнинг охирида далолатнома тузилиб, ширкат хўжалиги раиси К.Аҳмаджонов имзоси билан тасдиқланиб, мухр босиб борилди.

Шартнома асосида бажариладиган иш учун олдиндан 15 фоиз бўнак ўтказиб берилиши, бажарилган иш учун тўловлар 90 кун ичида амалга оширилиши лозим эди. Аммо "Шаҳрихон" ширкат хўжалиги раҳбарлари ойлар, йиллар ўтса ҳам қарзини узишни, фермернинг ҳақини тўлашни хаёлига ҳам келтиришмади. Натижада ширкат хўжалиги фермер хўжалигидан шу йил 1 май ҳолатига кўра, 5 миллион 263 минг 028 сўм қарз бўлиб қолди. Йил бўйи тракторни ишлатишни билган раис фермернинг ҳақини тўлашга келганда лафсизлик қилди. Фермер Абдулҳамид Абдуқодиров раиснинг ҳузурига қатнайвериб тинкаси қуриди. Ахир, у ҳақини сўраб, оз эмас, кўп эмас — нақ 34 марта раисга мурожаат қилди-да...

Бунинг устига, ҳақини ололмай сарсон бўлган фермер лизинг компаниясига тўловларни ўз вақтида тўламагани учун 493.464 сўм устама тўлаб, буёғидан ҳам зарар кўрди.

Ҳақини ундиролмай, сарсон бўлган, моддий-маънавий зарар кўрган фермер Абдулҳамид Абдуқодиров тоқати тоқ бўлиб, Андижон вилояти адлия бошқармасига ариза билан мурожаат қилди. Бошқарма фермернинг манфаатларини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Бўз туманлараро судига даъво ариза киритди. Суд қарорига кўра, амалга оширилган механизация ишлари учун ўз вақтида тўланмаган 5 миллион 263 минг 028 сўм асосий қарзни, 789 минг 454 сўм жарима, 2 миллион 631 минг 514 сўм устама — жами 8 миллион 683 минг 996 сўм ундириладиган бўлди. Суд шартнома шартларини тўлиқ бажарилмаслиги оқибатида етказилган 400 минг сўмлик маънавий зарарни ундириш ҳақидаги даъвони қаноатлантирмади. Аслида эса фермернинг ҳақини бермай, сарсон қилган раиснинг чўнтагидан маънавий зарар учун ҳақ ундириш лозим эди... Ана шунда у лафсизлик ёмон иллат эканини англаб етган бўлармиди?!

Шерзод ШОДМОНАЛИЕВ,
ҳуқуқшунос
Илҳом ЭГАМНАЗАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Qonun ko`magi

ҚУВОНДИҚОВНИНГ ҚУВОНЧИ

Кармана туманидаги "Нарпай" ширкат хўжалиги Навоий шаҳрининг шундоққина ёнбошида жойлашган. Қишлоқ аҳолисининг бир қисми шаҳардаги саноат корхоналарига қатнаб ишлайди. Ҳикоямиз қаҳрамони Мадат Қувондиқов шаҳарда эмас, балки қадрдон даласида меҳнат қилади.

У 2001 йилдан буён хўжаликда оилавий пудратчи бўлиб ишлаб келади. Деҳқончиликка меҳри баланд. Пахта ва ғалла етиштириб, шартнома шартларини доимо ортиғи билан уддалаб келади. Ўзининг тажрибасига, кучига тўлиқ ишонч ҳосил қилгач, бир куни у хўжалик бошқаруви раиси Тош Жумаевга учрашиб, кўнглидаги ниятини айтди:

– Раис бува, мен ҳам фермер бўлмоқчиман.

– Бўпти ука! Яхши ўйлабсиз, ариза ёзинг. Умумий йиғилиш бу масаланинг ечимини топади, – деди раис.

Шундай қилиб оилавий пудратчи Мадат Қувондиқов 2003 йил 1 август куни 122-контурдан фермер хўжалиги учун 30 гектар ер ажратишни сўраб, ариза ёзди.

Хўжалик раиси Т.Жумаев шу йил 27 январ куни умумий йиғилиш ўтказди. Унда М.Қувондиқовнинг аризаси айрим сабаблар билан кўрилмасдан қолдирилгани етмагандек, ишлаб турган пудрат ери бошқа кишига бериб юборилди. Табиийки, бундан М.Қувондиқов қаттиқ ранжиди ва идорама-идора шикоят қилишга тушди. Шундан сўнг ҳам муаммо ҳал бўлавермагач, Навоий вилоят адлия бошқармасига шикоят ёзди.

Кейин текширишлардан маълум бўлдики, ҳақиқатан ҳам, М.Қувондиқов 2003 йил 1 август куни раис номига ариза ёзган. Ариза ширкат хўжалиги томонидан 2003 йил 21 август куни рўйхат китобига қайд қилиниб, умумий йиғилишда кўриб чиқиш тавсия этилган. Ушбу қоғатга аниқлик киритиш мақсадида раис билан ўтказилган суҳбат ва унинг тушунтириш хатидан маълум бўлишича, М.Қувондиқовнинг ҳам аризаси ўтказилган мажлис кун тартибига қўйилиб, ўқиб эшиттирилган, лекин ўзи қатнашмагани сабабли, бунча ерни уддалай олмайди, деган фикрда ариза рад қилинган. Агар 10 гектар ер сўраб ариза ёзса, бу талаби кейинги умумий йиғилишда муҳокама этилиши айтилди. "Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида"**ги қонуннинг 21-моддасига асосан фуқаронинг мурожаатини кўриб чиққан давлат идораси унга натижалари тўғрисида қабул қилинган қарорнинг моҳияти ҳақида ёзма шаклда хабар қилиши шартлиги таъкидланган. Худди шу қонуннинг 12-моддасида эса фуқароларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишнинг мажбурийлиги кўрсатилган бўлса-да, бажарилмаган ва М.Қувондиқовнинг ҳуқуқий манфаатлари кўпол равишда бузилган.**

Шундай бўлса-да, бўлажак фермер югуришдан, қоғоз кўтариб тегишли идораларга боришдан чарчамади. Барибир ҳақиқат қарор топишига ишонди. Адлия бошқармасиМ.Қувондиқовнинг ишини тўлиқ ўрганиб чиққач, қонунбузилиши ҳолатлари юзасидан Кармана тумани ҳокими номига тақдимнома киритди. Тақдимномага асосан "Нарпай" ширкат хўжалиги бошқаруви котиби Х.Омоновга нисбатан ҳайфсан интизомий чораси қўлланилди. Хўжаликнинг шу йил 8 апрелдаги умумий йиғилиш қарорига асосан М.Қувондиқовга 10 гектар ер ажратилди ва унинг қувончига қувонч қўшилди.

— Мен-ку барибир ер олиб фермер бўлишимга ишонардим, – дейди М.Қувондиқов. — Аммо айрим бюрократларнинг айби билан анчагина асаббузарликка, кўнгил хираликка боришга мажбур бўлдим.

Дарвоқе, фермернинг гапида жон бор. Чунки хўжаликда аҳоли тиғиз жойлашган. Қўлидан иш келадигани ҳам, келмайдигани ҳам ер олсам, фермер бўлсам, дейди. Афсуски, ҳаммаси ҳам ниятларига эришавермайди. Натижада аҳоли билан ширкат хўжалиги бошқаруви ўртасида ер можароси тез-тез бўлиб туради. Бундай ҳолатларни юзага келтирмаслик учун хўжалик раҳбаридан адолат, фақат адолатли қарор қабул қилиниши зарур. Ана шундагина Қувондиқовга ўхшаганлар азоб чекмасдан доимо қувониб юради.

Баҳодир ТИЛОВОВ,
ҳуқуқшунос
Ёркул УМАРОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Taajjub

НОМУТАНОСИБЛИК

ЁХУД ФЕРМЕРЛИК ҲАРАКАТИДАГИ ИККИ ХИЛ ФАОЛИЯТ

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 14 фоизи фермер хўжаликлари ҳиссасига тўғри келмоқда. Етиштирилаётган жами ғалла ва пахта ҳосилининг учдан бир қисми фермерлар меҳнатининг маҳсулидир. Аммо таассуфлар бўлсинки, фермерлик олдида тўғаноқлар ҳам йўқ эмас. Бу ҳол, айниқса, шартнома интизомининг қониқарсиз аҳволда эканлиги билан боғлиқ. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, айрим жойларда фермерларнинг ҳуқуқлари камситилмоқда, тайёрлов ташкилотларининг етказиб берилган маҳсулот учун фермерлар билан ҳисоб-китоб қилиш мажбуриятлари қўпол равишда бузилмоқда.

Чимбой туманидаги "Манжап" ширкат хўжалиги билан "Иззат" фермер хўжалиги ўртасида 2003 йилда ер майдонларини узоқ муддатга ижарага бериш бўйича 12-сонли контрактация шартномаси тузилган эди. Шартномага мувофиқ фермер хўжалиги ширкат хўжалигига 20 тонна уруғлик шоли етказиб бериши белгиланади. Фермер хўжалиги аъзоларининг самарали меҳнатлари туфайли шартнома мажбуриятлари бекаму кўст адо этилди. Бироқ ширкат хўжалиги шартномага амал қилмади. Хўжалик раисининг "оларда кирар жоним, берарда чиқар жоним" қабилида иш тутиши натижасида фермер хўжалиги "қозондаги ош"дан қуруқ қолди.

"Манжап" ширкат хўжалиги раисининг лафсизлиги "Парахат" фермер хўжалиги фаолиятига ҳам салбий таъсир кўрсатди. Икки томонлама тузилган шартнома асосида фермер хўжалиги ширкат хўжалиги омборига 331583 сўмга тенг бўлган 20 тонна уруғлик шоли тўккан эди. Уни ҳақини тўлашни ширкат хўжалиги пайсалга солди. Иш шу даражага етдики, фермерлар охири хўжалик судига даъво аризаси киритишди. Ҳар иккала масала суд мажлисида кўриб чиқилиб, фермер хўжаликлари фойдасига ҳал этилди.

Шартнома мажбуриятларининг бажарилишига амал қилмаслик ҳолати Қонликўл туманидаги "Олтинкўл" ширкат хўжалиги раҳбарларига ҳам хос «одат» бўлиб чиқди. Ширкат хўжалиги ва "Аҳсунгул" фермер хўжалиги орасида тузилган шартномага мувофиқ фермер хўжалиги 1999 йилда ширкат хўжалигига 6.682.000 сўмлик 132.370 килограмм уруғлик шоли етказиб берди. Бироқ орадан йиллар ўтган бўлишига қарамай, ширкат хўжалиги мутасаддилари фермер хўжалиги олдидаги қарзини узиш масаласига бефарқлик билан қараб келди. Отдан тушса ҳам, эгардан тушишни истамаган ширкат хўжалиги раиси талабгорнинг шу йил 12 февралдаги хатини жавобсиз қолдирди. Манманлик, иш масъулиятини унутиш кўникмаси ширкат хўжалиги раисини охир-оқибатда суд олдида юзшувутликка олиб келди.

Фермерлик ҳаракатига лоқайд муносабатда бўлиш, фермер меҳнатини қадрламаслик ҳоллари Элликқалъа туманидаги "Қирққизобод" ширкат хўжалиги раҳбарлари фаолиятида ҳам учрайди. Масалан, "Нуриш ота" фермер хўжалиги шартномага биноан нақд 151.900 килограмм буғдой дони етиштириб берган. Аммо омбор донга тўлсада, ширкат хўжалиги раисининг кўнгли тўлмади. Неларнидир хомхаёл қилган раис фермер хўжалигига шартномада белгиланган 10.621.310 сўм ўрнига 5.000.000 сўм пул тўлади, холос.

Қонун такаббурликни кечирмайди. Фермер судга мурожаат этгандан сўнггина масала ижобий ечим топди. Фермер хўжалигига тўланиши лозим бўлган асосий қарз ва устама тўлиғи билан ундириб олинди, ширкат хўжалиги раиси жарима жазосига тортилди.

* * *

Мустақиллик сиёсати фермерлик ривожи учун кенг йўл очиб берди. Аммо бу фермернинг "нима хоҳласам, ўшани қиламан", дегани эмас. Афсуски, баъзи ҳолларда мана шу оддий ҳақиқатни англаб етмаётган фермерлар ҳам учраб қолмоқда.

Минайхон Саипова Нукус туманидаги "Айторе ота" фермер хўжалигига етакчилик қилади. 2003 йилнинг 19 майида фермер хўжалиги ва "Қорақалпоғистон дон маҳсулотлари акциядорлик ассоциацияси" ўртасида умумий нархи 1.485.000 сўмлик 11 тонна шоли ҳосили етиштириб бериш юзасидан 102-сонли контрактация шартномаси имзоланди. Шартномага мувофиқ фермер хўжалиги 8 гектар майдонга шоли экиш режаси билан ассоциация ҳисобидан 2 тонна уруғлик шоли ва 77.000 сўм бўнак пули олди. Бироқ шартнома мажбуриятларининг бажарилишига келганда, Минайхон Саипова бутунлай бошқача йўлни танлади. У қонун талаби ва инсоф-диёнатни унутиб, суд кунига қадар ассоциацияга бирон килограмм шоли ҳосили топширмади.

Яқинда Қорақалпоғистон Республикаси Хўжалик судида "Айторе ота" фермер хўжалиги фаолияти кўриб чиқилди. Қилмиш-қидирмиш деганларидек, фермер хўжалиги ҳисобидан акциядорлик ассоциацияси фойдасига 595.000 сўм асосий қарз ва 371.250 сўм жарима ундириладиган бўлди.

Шу тумандаги "Торехон" фермер хўжалиги раҳбари Шерниёз Тилеуов ҳам шартнома ижроси бобида пихини ёрганлардан чиқиб қолди. Гап шундаки, фермер хўжалиги ва "Қорақалпоғистон дон маҳсулотлари акциядорлик ассоциацияси" ўртасида 8,5 тонна шоли ҳосили тайёрлаб бериш бўйича тузилган шартнома ижроси ора йўлда қолиб кетди. Фермер хўжалиги раиси Шерниёз Тилеуов "тадбиркорлик" асосида иш юритиб, бирлашмага атиги 3,1 тонна шоли топширди, холос. Аммо нафс қутқусига учган фермернинг ниятлари амалга ошмади. Суд мазкур масала юзасидан адолатли қарор қабул қилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда фемерлик ҳаракати ривожи учун зарур ҳуқуқий асослар яратилган. Қонун ҳужжатлари, фармонлар ва ҳукумат қарорларига суянган фермер ҳеч қачон панд емайди. Унга амал қилмаслик эса юзшувутликка олиб келади. Буни баён этилганлар ҳам исботлайди.

М. НОРБОЕВ,
Ҳ. ҚОСБАУЛИЕВ,
ҳуқуқшунос

Talab, taklif, mulohaza

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК: МУАММО ВА ЕЧИМ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Мамлакатимиз ҳам халқаро ҳуқуқнинг субъекти ва халқаро миқёсидаги жиноятчиликка қарши курашнинг фаол иштирокчиси сифатида жиноий фаолият натижасида топилган пул маблағи, сармоя ёки ҳар қандай мол-мулкни давлат ҳудудига қонуний тус берган ҳолда четдан кириб келишининг олдини олиш ва шундай маблағларнинг Ўзбекистондан бошқа давлат ҳудудига ўтказилишига қарши жиддий кураш олиб бормоқда. Буни матбуотда эълон қилинган **"Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида"**ги қонун лойиҳаси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Шу ўринда Жиноят кодексида жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар (олтинчи бўлим, ўн еттинчи боб) қаторидан жой олган **"Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш (легаллаштириш)"** деган 243-модда мавжуд эканини эсга олиш жоиз. Чунки айнан шу меъёр ушбу лойиҳани ишлаб чиқишда ҳуқуқий асослардан бири бўлиб хизмат қилган. Шунинг учун ҳам Жиноят кодексининг 243-моддаси ва қонун лойиҳасининг тўлдириш, такомиллаштириш юзасидан фикр-мулоҳазаларимизни билдирмоқчимиз.

Қонун ижодкорлигидаги таомилга кўра, Жиноят кодексидаги ҳар бир меъёр диспозицияси жуда аниқ ва лўнда ифодаланиши керак. Агар диспозициядаги жумла ёки сўзлар вергул ёрдамида давом эттирилаверса, (ҳозирги таҳриридагидек) амалиётда жиноятчининг қилмишини тавсифлашда жиноятнинг объектив томонини белгиловчи барча белгилар мавжуд бўлиши лозим, деган қоида асосида баҳоланганда қийинчилик туғдиради. Шунинг учун бу қонун лойиҳасини муҳокама қилиш билан бирга Жиноят кодексининг 243-моддаси янги таҳрирда такомиллаштирилади, унга аниқлик киритилади, деган фикрдамиз. Жиноят кодексидаги ушбу меъёр қабул қилинган пайтида (1994 йил) бу жиноятчилик тўғрисида узил-кесил тушунчани баён этишга ҳали тажриба етишмас эди. Кейинги бир неча йиллар давомида жаҳондаги давлатлар тажрибасидан шу нарса аён бўлдики, уюшган жиноятчилар жиноий фаолиятлари натижасида олинган пул маблағи ёки мол-мулкни турли-туман усулларда ошкорлаштиришдан кўзланган мақсади битта: жиноий йўл билан топилган нарсалар, пуллар ва моддий қимматга эга ҳар қандай ашёлар гўёки улар томонида пешона тери билан топилган, "ҳалол бойлик", «қонуний фойда» сингари тус олишини ҳоҳлаган ҳолда ҳаракат қилишга уринади. Шунинг учун ҳам Жиноят кодексининг 243-моддаси қуйидаги мазмунда ифодаланиши керак: **"Жиноий фаолиятдан олинган даромадни ошкорлаштириш (легаллаштириш), яъни жиноий фаолият натижасида олинган пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкни эгаллаш, фойдаланиш ва тасарруф этиш йўли билан қонуний тус бериш мақсадида жуда кўп миқдорда молиявий операциялар ва пул маблағлари ёки бошқа мол-мулклар билан бошқа битимлар тузиш".**

Шунингдек, Жиноят кодексининг махсус қисмидаги меъёрларни ишлаб чиқишдаги умумий тартиб-таомил асосида бу меъёрда белгиланган қилмишни ҳам тавсифлашга таъсир этувчи қатор белгилар, айниқса, иштирокчиликнинг **"бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб", "уюшган гуруҳ" ёки "жиноий уюшма" манфаатларини кўзлаб, такроран, мансабдор шахсларнинг аралашуви бўлган ҳолларда "хизмат мавқесидан фойдаланган шахс томонидан"** каби аломатлар алоҳида қисм ва бандларда ифодаланиши лозим.

Бундан ташқари, жиноий фаолиятдан олинган мол-мулк, пулнинг миқдорини Жиноят кодексида ва қонунда аниқ ифодалаш зарур. Шуни назарда тутган ҳолда биринчи қисм диспозициясида жуда кўп миқдорда деб ёзиб, жуда кўп миқдор Жиноят кодексининг саккизинчи бўлимида (атамаларнинг ҳуқуқий маъноси) қуйидагича ифодаланиши лозим: **"Жиноий фаолиятдан олинган даромадни ошкорлаштириш (легаллаштириш) даги пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан амалга оширилади ган операциялардаги миқдор ўша пайтдаги энг кам иш ҳақининг тўрт минг бараварига тенг ёки ундан ортиқ бўлиши керак".** Бугунги кунда ҳисоблаганда бу қуйидаги миқдорни (4000х5440 сўм қ 21760000 сўм) ташкил этади.

"Жуда кўп миқдор" ибораси қонун лойиҳасининг 6-моддаси, иккинчи хат бошидан бошланган матнда кўрсатилгани учун қонун ижодкорлари томонидан белгиланган даража билан келишса бўлади. Терроризмни молиялаштиришда сарфланган пул маблағи ёки мол-мулкнинг миқдори қанча бўлиши жиноятни тавсифлашда аҳамиятга эга эмас. Тергов ва суд томонидан фақат террорчиларга муайян тарзда молиявий ёрдам ёки кўмак бериш операцияси амалга оширилганини исботланиши кифоя.

Қайд этилган таклифлар асосида Жиноят кодексининг 243-моддасидаги бу «жиноят ва жуда кўп миқдор" тушунчаси қонунда ҳам айнан бир хилда акс эттирилиши керак. Бундай ёндашув Жиноят кодекси ва қонуннинг мутаносиблигини таъминлайди. Энг муҳими, мазкур қонунни қабул қилиш бу турдаги жиноятларни олдини олиш, унга қарши курашда жиноий жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Фикримизча, ушбу қонун "Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштиришни (легаллаштиришни) фош этиш ёки терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисида"ги қонун деб номланса, мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки лойиҳа сарлавҳасига аниқлик киритиш учун "ва" ўрнига "ёки" айирувчи боғловчиси ишлатилса, икки гап бир-биридан ажратилади, алоҳида-алоҳида жиноят таркиби ҳақида сўз юритилгани очиқ-ойдин ифодаланган бўлади. Бу бир пайтнинг ўзида айбдорнинг хатти-ҳаракатида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш билан биргага терроризмни молиялаштириш жиноятлари таркиби мавжуд бўлиши кераклигини англатади.

Шунингдек, қонуннинг номи Жиноят кодексининг 243-моддаси сарлавҳаси билан бир хил, яъни ошкорлаштириш (легаллаштириш) деб ифодаланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Фикримизча, қонуннинг 6-моддасида (мажбурий назорат) **"бошқа давлатлардан Ўзбекистон Республикасига пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкларни турли операциялар ўтказиш орқали кириб келишини, айниқса, бошқа давлат томонидан бу бойликлар наркобизнес, одам савдоси ёки бошқа нопок йўллар билан, яъни жиноий фаолиятдан орттирилганлиги тўғрисида маълумот юборилган ҳолатларда мажбурий назорат амалга оширилиши шарт"** деб белгилаб қўйиш керак.

Қонун лойиҳасининг 11-моддаси (махсус орган) "агар жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш (легаллаштириш) юзасидан амалга оширилган операция, битимлар тўғрисида етарли маълумот мавжуд бўлса, махсус орган бу ҳақдаги маълумот ва материалларни ваколатлари доирасида ҳал қилиш учун зудлик билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга жўнатади", деган қўшимча банд билан тўлдирилиши зарур. Чунки ҳар қандай операция ёки битимларни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ошкорлаштириш ёки терроризмни молиялаштиришга қаратилган, яъни жиноят деб баҳолаш масаласи дастлабки тергов органлари томонидан фош этилиб, кейинчалик суднинг қонуний кучга кирган ҳукми билан ҳал этилади. Шахснинг қилмишида жиноят таркиби борйўқлигини исботлаш учун эса фақат Жиноят-процессуал кодексидаги меъёрлар асосида далилларни тўплаш, яъни исботлаш механизмидан оқилона фойдаланиш орқали амалга оширилади.

Умуман олганда, ушбу қонунни мукаммал бўлишини таъминлаш учун хорижий давлатларнинг бу борада амалиётда тўпланган тажрибасини ўрганиб чиқиш, лойиҳани мутахассислар иштирокида (банк, адлия, тергов ва ҳ.к.) илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилиш зарур. Бу қонуннинг мукаммал равишда қабул қилишга имкон яратади.

Мавжуда РАЖАБОВА,
юридик фанлари доктори

Faoliyat

КАСБ МАҲОРАТИ ТАНЛОВИ

Шу йил 26 июн куни "Интерконтиненталь" меҳмонхонаси маъмурияти ҳамда Тошкент шаҳар адлия бошқармаси ташаббуси билан «Тўйлар фестивали» ва "Энг ибратли ФҲДЁ ходимаси" кўрик-танлови бўлиб ўтди.

Кўрик-танлов иштирокчилари "Миллий никоҳни тантанали қайд этиш", "Фарзанд туғилганлигини тантанали қайд этиш", "Замонавий никоҳни тантанали қайд этиш" ҳамда "Узоқ йил биргаликда турмуш қурган ибратли оила соҳиб ва соҳибаларининг "Олтин тўйлари" оила маросимларини тантанали ўтказиш" каби мавзуларда ўз маҳоратларини намойиш этишди.

"Фарзанд туғилганлигини тантанали қайд этиш" мавзусидаги беллашувда мутлақ ғолибликни Мирзо Улуғбек тумани ФҲДЁ бўлими ходими Саида Исмоилова қўлга киритди ва у "Энг ибратли ФҲДЁ ходимаси" деб топилди.

"Русийзабон миллат фуқароларининг никоҳларини тантанали қайд этиш" мавзусидаги беллашувда биринчи ўрин Собир Раҳимов тумани ФҲДЁ бўлими ходими Луиза Маҳмудбековага берилди. "Узоқ йил биргаликда турмуш қурган ибратли оила соҳиб ва соҳибаларининг "Олтин тўйлари" оила маросимларини тантанали ўтказиш" мавзусида Юнусобод тумани ФҲДЁ бўлими ходими Гулбаҳор Қулматова, "Миллий никоҳни тантанали қайд этиш" мавзусида "Шодлик" никоҳ уйи ходими Нилуфар Насриддинова, "Замонавий никоҳни тантанали қайд этиш" мавзусида "Оила маросимлари" марказининг ходими Дилафрўз Аҳмедова ғолиб деб эътироф этилди.

Танлов ғолибларига адлия бошқармаси, шаҳар ҳокимияти ва бошқа ҳомий ташкилотлар томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

Аброр БЕРДИЕВ,
ҳуқуқшунос

Jinoyat va jazo

"Эзгулик ҳақида кўпроқ ёзинг. Чунки эзгулик кундан-кунга қанчалар янги-янги қирралари билан намоён бўлмоқда. Ёмонлик эса одамзот боласи пайдо бўлгандан бери ўзгаргани йўқ", деган экан донишмандлардан бири.

Дарвоқе, ёвузлик ҳақида ёзишга ҳеч кимда ҳам ҳавас ва иштиёқ йўқ. Лекин ёвузлик ҳаётнинг бир бўлаги сифатида яшар экан, у ҳақда ёзиб, бошқаларни ҳам бундан огоҳ этишга зарурат бор.

ЛОҚАЙДЛИК ИНТИҲОСИ

СУД ОЧЕРКИ

Сирдарёлик Эшмурод 2001 йилнинг кузида қўшни республикада яшовчи таниши Раҳмонни учратиб қолди. Суҳбат орасида у Эшмуродга арзонгаров трактор бўлса, мўмай пулга сотиб бериши мумкинлигини қистириб ўтди.

Эшмуродга бу таклиф мойдек ёқди. У ўйлай-ўйлай Сирожиддин ва Шавкат деган оғайниларига дилидаги режасини айтди.

Буни қарангки, трактор ўмариб сотиш ғояси уларга ҳам маъқул тушди. Дарҳол вазифалар тақсимланиб, режа белгилаб олинди. Ана шу режага асосан 5 декабр куни Сирожиддиннинг "Тико" русумли автомашинасида Гулистон шаҳридан Оқ-олтин туманига олиб борадиган йўлга чиқишди. Улар дўкондан 2 метрлик электр сими ва ошпичоқ сотиб олишиб, узоқ кутилгандан сўнг кечки пайт "Мирзачўл" ширкат хўжалиги ҳудудидан чиққан бир трактор йўлдаги дўконлардан бирининг олдида тўхтади. Шунда Эшмурод билан Шавкат машинадан тушиб, тракторчининг яқинига боришди.

— "Учтом" деган жойда машинамиз бузилиб қолди. Ука, шуни "Мирзачўл"гача судраб келтирсак яхши бўларди, – деди тракторчини овлоқроқ жойга бошлаш ниятида Эшмурод.

Тракторчи йигит ҳам соддалигича борди шекилли, "Учтом"да машинингиз қолган бўлса, сиз "Мирзачўл"да нима қилиб трактор излаб юрибсиз", деб сўраб ўтирмади. Унинг ўрнига қанча пул бериши билан қизиқди.

Эшмурод билан Шавкат 8 минг сўмга келишишгач, тракторни ўзлари мўлжал қилган томонга ҳайдатишди. Сирожиддин ва Худойберди эса иш пишаётганидан кўнгиллари тўлиб, Гулистонга қайтишди.

Эшмурод билан Шавкат "Найман-Даштобод" қатнов йўлининг 9-километрида тракторчидан тўхтанг, деб илтимос қилишди. Сўнг тракторчига ҳужум қилишиб, унинг қўл-оёғини электр сими билан боғлашди. Эшмурод тракторчи йигитни четга олиб тушиб, ёнидаги ошпичоқ билан унинг кўкраги ва бўйин соҳасига бир неча марта урди. Етказилган оғир тан жароҳатлари туфайли тракторчи йигит ўша жойнинг ўзида жон таслим қилди.

Ўта шафқатсизлик билан қўлга киритилган трактор 1984 йилда ишлаб чиқарилган, "Маданият" фермер хўжалигига қарашли эди. Тракторни 6 декабр куни божхона назоратини четлаб ўтиб, тожикистонлик Раҳмон Мазбутовга 1 миллион 200 минг сўмга сотиб келишди. Мўмай даромад жиноятчиларнинг иштаҳасини очиб юборди.

(Давоми тўртинчи бетда)



Jahon tajribasi

Ривожланган давлатлардан бири бўлган Германияда жиноят процессида қўлланувчи бир қанча судлов тамойилларига амал қилинади.

ГЕРМАНИЯ СУДЛОВ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ушбу тамойиллар "Немис халқининг асосий ҳуқуқлари" Декларациясида ва Жиноят процессуал кодексида белгилаб қўйилган. Расмийлик, айблов, қонунийлик, жиноят ишининг барча ҳолатларини текшириб чиқиш мажбурияти, суд муҳокамаси ҳуқуқлари, иш олиб боришнинг тезкорлиги, бевоситалик, оғзакилик, далилларнинг очиқ-ошкора баҳоланиши, суднинг ўз ички ишлари, ошкоралик ва шундай тамойиллар сирасига киради. Қуйида Германия Жиноят процессуал кодексида белгилаб қўйилган асосий судлов тамойиллари ҳақида фикр юритамиз.

I. Расмийлик тамойили. Ушбу қоида жабрланувчининг ҳоҳишидан мустақил равишда мутасадди идоралар томонидан жиноят ишининг олиб борилиш мажбуриятини назарда тутади. Бу қоидадан жабрланувчининг аризасига биноан қўзғатилган хусусий жиноят иши мустаснодир. Чунки расмийлик тамойили фақат давлатга қарши жиноятларга нисбатан қўлланади. Ушбу тамойилни амалиётга тадбиқ этишда мутасадди идорадан махсус рухсат олиниши шарт. Яъни мутасадди идора масаланинг сиёсий аҳамиятидан келиб чиқиб, жиноят ишини қўзғатиш ёки қўзғатмасликни ҳал қилади. Масалан, давлат сирини ошкор қилиш билан боғлиқ жиноят иши федерал ҳукуматнинг рухсати билан қўзғатилади.

II. Айблов тамойили. Ушбу қоида ўзида жиноят иши бўйича суд муҳокамаси расмий айблов эълон қилингандан сўнг бошланишини ифода этади. Унга мувофиқ тергов ва суд қарори айбловда кўрсатилган шахс ва қилмишга нисбатан тааллуқли бўлиб, расмий айбловсиз ҳеч ким тергов ҳамда суд қилиниши мумкин эмас.

III. Қонунийлик ва мақсадга мувофиқлик тамойили. Мазкур қоидалар прокуратура идораларининг жиноий хатти-ҳаракатларга нисбатан далиллар асосида чора кўриш ҳуқуқини кафолатлайди. Ана шу кенг асосларга мувофиқ прокуратура идоралари жиноят ишларини қўзғатиш ёки бекор қилиш ҳуқуқига эга.

Бу қоидалар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятларгагина эмас, балки хусусий айбловга ҳам тааллуқлидир. Ўтказилаётган суд процесси мамлакатга нисбатан зарар хавфини келтириб чиқарса ёки халқ манфаатларига зид бўлса, Бош прокурор давлатга қарши қаратилган жиноят ишини қўзғатишни рад қилиши мумкин. Шунингдек, прокурор расмий айблов эълон қилингунга қадар жиноят ишини тўхтатиш ҳуқуқига эга. Агар айбланувчи белгиланган муддат ичида ўзига юклатилган мажбуриятни бажарса, масалан, умумманфаатли муассасалар фойдасига ёки давлат хазинасига муайян миқдорда пул тўласа, жиноят иши ҳаракатдан тўхтатилиши мумкин. Бу қоида иқтисод билан боғлиқ жиноятларга нисбатан кенг қўлланилади.

IV. Жиноят ишини ҳар томонлама текшириш мажбурияти тамойили. Суд ўз ваколатлари доирасида ва ҳеч ким ва ҳеч қандай ҳамкорсиз ҳал этилиши лозим бўлган масалаларни ўз ичига олган ишлаб чиқилган ва ушбу тамойилга амал қилинади. Унинг биринчиси мамлакат Конституциясининг 103-модда, 1-қисмида ўз аксини топган. Унга мувофиқ ҳар ким судда ўз ваколатларининг эшитилиб кўрилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Бу қоида судга фақат далиллар асосида ҳукм чиқариш мажбуриятини юклайди. Бошқача айтганда, суд муҳокамасида айтилган ҳар бир далилга процесс иштирокчилари томонидан тегишли муносабат билдириши лозим. Германия Конституциясининг 101-модда, 1-қисмига биноан ҳеч ким иш судда кўриб чиқилаётганда қонуний судьядан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги иккинчи конституциявий тамойилдир. Маҳрум этиш деганда жиноят ишини кўриб чиқиш учун қонунга мувофиқ бунга ҳуқуқи бўлмаган судьяга ўтиш тушунилади.

Баён этилганлардан хулоса шуки, Германияда судлов тизими фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя этиш ва кафолатлашга хизмат қилади.

Саломат НИЁЗОВА,
Алишер МУХТОРОВ

Ajab savdolar

АНТИҚА ЁРДАМ

Бекобод шаҳридаги "Бекобод-Огнеупор" қўшма корхонаси қарздор корхоналардан ўз ҳақини ундириш мақсадида адвокат ёллашни лозим топди. Ўзгалар ҳисобида ҳаракатсиз ётган пулларни тўплаб, қўшма корхона фаолиятини янада кенгайтиришга сарфлаш ҳам давлатга, ҳам ўзларига кони фойда эмасми?

Хуллас, ана шундай мақсадни кўзлаб, "Бекобод-Огнеупор" қўшма корхонаси 2002 йил 1 декабрда "SA ADVOKATE" адвокатлик бюроси билан шартнома тузди-ю, боши ташвишдан чиқмай қолди десак, муболаға бўлмайди.



Тўғриси, аввалига ҳамма иш расоладагидек кетаётган эди. Фарғона шаҳридаги "Мастона И" шахсий корхонасига нисбатан 77292000 сўмлик қарзни ундириш юзасидан судга даъво аризаси киритилганди.

Ўтган йилнинг 30 январ куни Фарғона вилояти хўжалик суди ушбу даъвони кўриб чиқиб, уни тўлиқ қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ўтган йилнинг 3 мартида суд қарори қонуний кучга кирганини муносабати билан ижро варақаси ҳам берилди. Шунингдек, суд айбдорларнинг жиноий жавобгарлигини ҳал қилиш тўғрисида ҳам алоҳида ажрим чиқарди.

"Мастона И" хусусий фирмасидан ундирилиши лозим бўлган катта миқдордаги маблағ "SA ADVOKATE" адвокатлик бюросидагиларнинг иштаҳасини очиб юборди. Чунки хусусий фирмадан ундириладиган маблағнинг 10 фоизи ёнига 50 фоизлик устама, жарима, зарарни қўшиб ҳисоблаганда 9446000 сўмни ташкил этарди-да...

Аслида адвокатлик бюроси ва "Бекобод-Огнеупор" қўшма корхонаси ўртасида 2002 йилнинг 1 декабр куни тузилган шартноманинг 4.1 бандига мувофиқ буюртмачи ҳар ойнинг белгиланган кунигача бажарилган иш учун 100 минг сўмдан тўлаб туриши лозим эди. Шуни таъкидлаш керакки, корхона ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарган ва 500 минг сўм пул маблағини адвокат бюроси ҳисоб рақамига ўтказиб берган.

Бироқ адвокатлик бюроси раҳбарлари ўзаро тузилган шартноманинг айрим бандларини рўкач қилиб, кўрсатилган суд ҳужжатларини тайёрлашга тааллуқли хизматлари учун зудлик билан 9446000 сўм хизмат ҳақини тўлашни талаб қила бошлади.

Тошкент вилояти хўжалик суди раиси номига адвокатлик бюроси томонидан 2003 йил 11 декабрда "Бекобод-Огнеупор" қўшма корхонасига нисбатан киритилган даъво аризасида тўлов муддати кечиккани учун энди 9.597.136 сўм тўлаш лозимлиги қайд этилган эди.

Охир-оқибат адвокатлик бюроси раҳбарларига бирор гапни тушунтиришни бефойда эканини англаган қўшма корхона бош директори В.Бугаенко шу йилнинг 14 январ куни Тошкент вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Ушбу аризада шундай жумлалар бор: **"Бекобод-Огнеупор" қўшма корхонаси "SA ADVOKATE" адвокатлик бюроси билан юридик хизмат кўрсатиш учун шартнома тузилган бўлиб, буюртмачи сифатида 500 минг сўм хизмат ҳақи тўланди.**

Мазкур фирма томонидан Фарғона шаҳридаги ҳамкоримиз "Мастона И" корхонасидан 7292000 сўмлик қарздорлик маблағини ундириш учун даъво ҳужжатлари тайёрланди.

Фарғона шаҳар хўжалик суди биз томонимиздан кўрилган зарарни қоплаш учун мазкур фирмадан 78067482 сўм пулни ундириш тўғрисида қарор чиқарди.

Кейинчалик Бекобод шаҳар прокуратураси томонидан "Мастона И" фирмаси раҳбарларига нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлиб, суд ҳукми билан директор ва бош ҳисобчи турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Шу вақтгача қарз тўловининг бир сўми ҳам ҳисоб рақамимизга келиб тушгани йўқ. Адвокатлик бюроси Фарғона шаҳар хўжалик судига ҳужжатлар тайёрлаб бергани учун биздан 9597136 сўм пул талаб қилмоқда. Бундай катта миқдордаги пулни тўлашга ҳеч қандай имкониятимиз йўқ. Айни пайтда адвокатлик бюроси бизни судга берди.

Биз "SA ADVOKATE" адвокатлик бюросига чўнтагини қаппайтириш учун эмас, балки пулларимизни қайтариб олиш учун амалий юридик ёрдам олиш учун мурожаат қилгандик".

Албатта, судга мурожаат қилиш-қилмаслик ҳар кимнинг ўз ҳуқуқи. Айниқса, кўпни кўрган адвокатлик бюроси раҳбарлари буни ҳаммадан кўра яхши билиши шубҳасиз. Лекин ҳуқуқий ёрдамга муҳтож корхонага ҳали келиб тушмаган маблағ ҳисобидан ҳақ талаб қилишни қандай тушуниш керак?! Шу боис корхона юридик ёрдам берадиган идора устидан ҳуқуқий ёрдам сўраб шикоят хати ёзишга мажбур бўлди.

Тошкент вилояти адлия бошқармаси масалани синчиклаб ўрганиб чиқиб, адвокатлик идорасининг талаби амалдаги қонун-қоидага хилоф, деган хулосага келди ва қўшма корхона раҳбариятига зарур юридик ёрдам кўрсатди. Шу йилнинг 19 январ куни бўлиб ўтган Тошкент вилояти хўжалик суди "SA ADVOKATE" адвокатлик бюросининг даъвосини қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилган. "Бекобод-Огнеупор" қўшма корхонаси ҳисобидан даъвогар фойдасига 8823000 сўм ундириладиган бўлган эди. Тошкент вилояти адлия бошқармаси шу йилнинг 1 март куни "Бекобод-Огнеупор" қўшма корхонаси манфаатларини кўзлаб, вилоят хўжалик судига апелляция шикояти киритди.

Адвокатлик бюроси директори С.Примқулов мазкур апелляция шикоятининг процессуал муддати кечиккан қабилидаги фикрларни билдириб, вилоят хўжалик суди апелляция коллегиясини чалғитишга ҳаракат қилди.

Шу йилнинг 16 март куни вилоят хўжалик суди апелляция инстанцияси апелляция шикоятини қаноатлантирмади. Гарчи мазкур масала бир эмас, икки марта судда кўрилган бўлса-да, адлия бошқармасининг қатъияти "Бекобод-Огнеупор" қўшма корхонасини янада дадил бўлишга ундади. Корхона Олий хўжалик судига кассация шикояти билан мурожаат қилди. Бу орада Тошкент вилояти прокуратураси вилоят хўжалик суди қарорига нисбатан протест киритди. Шунингдек, вилоят адлия бошқармаси қўшма корхона манфаатларини кўзлаб, Олий хўжалик судига таклифларини ҳавола этди. Мазкур йилнинг 11 май кунида 11-0210/1508-рақамли иш бўйича Олий хўжалик суди судлов ҳайъати "Бекобод-Огнеупор" қўшма корхонасининг кассация шикоятини ва Тошкент вилояти прокуратураси протестини қаноатлантириш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳийла вақт чўзилган масала шу тариқа қонуний ечимини топди. Лекин адвокатлик бюросидагилар қандай хулоса чиқаришар экан?

Бизнингча, энди ҳамма гап шунда қолди.

Рустам ХУДОЙҚУЛ,
"Инсон ва қонун" мухбири

Huquqiy ma`rifat

АЛИМЕНТ
УНИ УНДИРИШ ТАРТИБИ ҚАНДАЙ?

Мамлакатимиз қонунчилигида бола ҳуқуқи тўлиқ кафолатланган. Улардан бири алимент ундиришдир. Алимент деганда никоҳ бекор қилингандан сўнг бола вояга етгунча ота ёки онанинг иш ҳақидан тўланадиган тўлов тушунилади. "Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 70-моддасида алиментлар ва алимент мажбуриятлари бўйича қарзларни ундириш тартиби "Оила" кодекси билан белгиланиши қайд этилган.

"Оила" кодексининг 96-моддаси талабига биноан ота-она вояга етмаган болаларига таъминот бериши шарт. Вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбуриятини ихтиёрий равишда бажармаган ота (она)дан ўз навбатида суднинг ҳал қилув қарорига асосан алимент ундирилади.

"Оила" кодексининг 99-моддасида вояга етмаган болаларга таъминот бериш ота-онанинг ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларидан бир нафар бола учун 25 фоиз, икки нафар бола учун 33 фоиз, ундан ортиқ бола учун 50 фоиз миқдорида ундирилиши белгилаб қўйилган. Агар вояга етмаган болаларига таъминот бериш ҳақида ота-она ўртасида келишув бўлмаса, алимент ундириш учун ота ёки онадан бири фуқаролик тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга алимент ундириш тўғрисида даъво ариза билан мурожаат этиши лозим бўлади. Даъво аризасига никоҳ ва боланинг туғилгани тўғрисидаги гувоҳноналарнинг нусхаси, яшаш жойидан маълумотнома, агар қарздор ишласа, иш жойидан маълумотнома илова қилинади.

"Суд ҳужжатлари ва бошқа орган ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонуннинг 30-моддаси талабига мувофиқ алимент ундириш тўғрисидаги талаб дарҳол ижро этилиши шарт. Шу боис суд томонидан ота ёки онадан алимент ундириш тўғрисида ижро варақаси чиқарилгач, у ижро этиш учун ҳудудий суд ижрочилари бўлинмасига юборилади. Ижро варақаси бўлинмага келиб тушган кундан бошлаб ижрочи қарздорга беш кун муддат ичида суд қарорини, яъни алимент тўлашни ихтиёрий равишда бажариш учун мажбурият олади.

Ижро варақаси суд ижрочиси қўлига келиб тушгандан кейин суд биносига иш бўйича алимент тўловчи чақирилиб, ундан алимент тўлаш ҳақида мажбурият олинади ҳамда агар у алимент тўлашдан бўйин товласа, Жиноят кодексининг 122-моддаси билан жиноий жавобгарликка торнтилиши тўғрисида огоҳлантирилади.

Агар қарздорнинг алимент тўлайдиган фарзанди болалар уйи, интернатлар, ҳарбий ва умум техника билим юртлари, жазо колониялари да бўлса, бундай ҳолларда қарздор суднинг қарорига асосан алимент тўлашдан озод этилади.

Қуйидаги даромадлардан алимент ундирилмайди:

- бўшатилган вақтда берилаётган ёрдам пулидан;
- суғурта бадали олинмайдиган бир вақтда бериладиган мукофотдан;
- фан, адабиёт ва санъат соҳасида кўзга кўринган иш учун бериладиган мукофотдан;
- янгилик яратган ва ихтирочилик таклифлари учун бериладиган мукофотдан;
- хизмат сафарида юргани ёки бошқа ишга кўчирилгани учун тўланадиган тўловдан;
- кунлик ҳамда ижарада яшагани учун ойлик маошига қўшиб бериладиган ҳақлардан;
- қўшимча овқатланиш, санатория ёки курортда даволаниш учун, жабрланганнинг протези учун, етказилган зарарни қоплаши учун, етказилган тан жароҳатини тиклаш учун тўланадиган пуллардан;
- биринчи тоифадаги ногиронларни боқиш учун тўланадиган пулдан;
- бола туғилганда тўланадиган суюнчи пулидан;
- кўп болалик ва ёлғиз оналарга тўланадиган нафақадан.

Таъкидлаш жоизки, нафақалар, шунингдек, вақтинча ишга яроқсизлиги учун тўланадиган нафақа; соғлиққа етказилган зарарни қоплаш ёки иш қобилиятини йўқотгани учун бериладиган тўлов; оладиган ҳақиқий пенсия; стипендия; косибҳунармандчилик ёки шахсий ҳунармандчиликдан оладиган даромад; томорқа ёки ёрдамчи ҳисобидан олинган даромаднинг алимент тўловчига тегишли қисмидан алимент ундирилади.

Алимент тўловчи ўз вақтида алимент олувчига топшира олмаса, яъни алимент олувчи узоқ сафарга ёки вақтинча бошқа мамлакатга кетган бўлса, бундай ҳолда суд ижрочиси алимент миқдорини суд ижрочилари депозит ҳисоб рақамида сақлайди. Алимент олувчи қайтиб келгандан сўнг алимент олувчи томонидан омонат дафтарчаси очилиб, банк орқали алимент берилади. Мабодо алимент олувчи доимий яшаш манзили мамлакатимиз ҳудудидан ташқарида бўлса, иш жойлардан ушланган алиментлар, суд ижрочилари бўлинмасида сақланаётган алимент пуллар Бош Почта орқали тўлов топшириқномаси билан пул ўтказиш йўли билан юборилади.

Кўриниб турганидек, қонунчиликда алимент ундиришнинг мукаммал тизими яратилган бўлиб, у бола ҳуқуқларини ҳимоялашга қаратилган.

Субҳон ҲОЖИМУРОДОВ,
ҳуқуқшунос

Tarix va taqdir

БУЮК ГУНОҲКОР ВАСИЯТИ

Бугунги кунда халқаро Нобел мукофоти тўғрисида эшитмаган одам деярли топилмаса керак. Хўш, Нобел ўзи ким бўлган ва нега у бу мукофотни таъсис этган?

1895 йилнинг 27 ноябрида Алфред Нобел Париждаги нотариуслардан бирининг хонасида ўзининг васиятномасини диққат билан ўқиб чиқар экан, бирданига унинг жиддий қиёфаси ўзгариб, юзи ва кўзларида енгил кулги пайдо бўлди: буюк кашфиётчи ўзининг сўнгги истаги эълон қилингач, яқин қариндошлари ҳолатини бир дақиқа кўз олдига келтирди. Ахир, унинг ўта оғир меҳнати, қолаверса, қанчалар бегуноҳ кишиларнинг ҳаёти эвазига тўпланган 30 миллион крондан ортиқроқ маблағнинг ҳаммасига улар эгалик қилишмоқчи эди-да. "Йўқ, уларга қолдирмайман", – дея васиятномани дадил имзолаган Нобелнинг хаёлига тўсатдан Берта келади "Инсоният олдидаги гуноҳларимни ювишим учун шундай қилишим керак", – деб шивирлайди у...

Энди гапни узоқдан бошлайдиган бўлсак, бўлажак "динамит отаси" 1833 йил 21 октябрда Стокгольмда Эммануэл ва Королина Андриетти Нобеллар оиласида дунёга келади. Алфред ёшлигида жуда касалманд бола эди – ошқозонининг кучсизлиги ва тез-тез шамоллаб туриши туфайли у 8 ёшгача мактабга боролмайди. Келажакда унинг етук инсон бўлишини орзу қилган онаси унга уйда дарс беради. Шу туфайли у ёшлигидан илмга қизиқувчан бола бўлиб ўсади. Айниқса, у хорижий тилларни ўрганишга жуда қизиқар, тил ўрганишнинг ўзига хос усулини ўйлаб топган эди. Жумладан, қанча қийинчилик билан бўлса-да, Волтер асарларини эринмасдан немис, рус, инглиз ва испан тилларига таржима қилиб, сўнгра уларни яна француз тилига ўгириб, кейин асли билан солиштирар эди. Шу зайлда Алфред ушбу тилларни мукаммал ўрганиб олади. Кичкина Алфреднинг ёшига хос бўлмаган тарзда илмга берилиши ва жиддий китоблар (Шелпи, Гюго, Балзак, Ломартин ва бошқалар)ни ўқиётганини кўрган ота-онаси XVII асрда яшаб ўтган катта бобоси Петрус Олоф Нобелиус ҳам шундай илмли киши бўлганини тез-тез эслашарди. Ундан кейинги авлодларнинг деярли барчаси ана шу зот изидан бориб, турли соҳаларда ўзларини кўрстишган. Масалан, Алфреднинг отаси Эммануэл махсус илмга эга бўлмасада, иқтидорли кашфиётчи, қурувчи ва архитектор бўлиб, ўзининг шу соҳалардаги билими туфайли катта миқдорда маблағни қўлга киритади. Унинг 8 нафар фарзандидан 3 нафари (қолганлари вояга етмасдан вафот этишган) вақти келиб турли соҳаларда катта муваффақиятларга эришишади. Масалан, катта ўғли Роберт Бокудаги нефт саноатининг таниқли эгасига айланса, ўртанчаси Людвиг Санк-Петербургда қуроласлаҳа заводи барпо этади, кенжаси Алфред эса Нобеллар номини дунёга танитади. Лекин буларнинг ҳаммаси кейинчалик юз беради. Бошида эса... унинг иши юришмайди. Шу сабабли кўплаб қарзга ботган Эммануэл оиласини Швецияга қолдириб, бахтини Россияда синаб кўрмоқчи бўлади ва Санк-Петербургга келиб, бу ерда токар станоги ва унга керакли анжомларни ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Алфред 17 ёшга тўлгач, химияни чуқурроқ ўрганиш учун отаси уни олдин Парижга, сўнг эса Америкада яшовчи швед олими Жон Эриксонга шогирдликка жўнатади. 1853-56 йилларгаи Қрим уруши туфайли Эммануэл Россия ҳукуматидан қора порохли миналар ишлаб чиқаришга катта буюртма олади. Бироқ уруш тугагач, унинг заводи молиявий касодга учраб, иши яна орқага кета бошлайди. Шу туфайли оилавий кенгашда катта ўғиллар Россияда қолиб, бу ердаги ишларни баҳоли-қудрат давом эттириш, Алфред эса отаси билан Швецияга қайтишга келишади ва Стокголм яқинидаги оилага тегишли ерда Алфред химиявий лаборатория ташкил этиб, кеча-кундуз ихтирочилик билан шуғулланади. Бунинг натижаси ўлароқ, Алфред бир неча йилдан сўнг нитроглицеринни аста-секин ҳаракатга келтирувчи модда кашф этади. Нитроглицерин тез парланувчи ва озгина ҳаракат билан портлаб кетувчи суюқлик бўлгани туфайли бундай модданинг ишлаб чиқилиши ундан мақсадли фойдаланишда жуда катта аҳамиятга эга бўлади. Лекин бу модданинг яратилиши Алфред учун жуда қимматга тушади: ушбу моддани ишлаб чиқариш учун тажриба ўтказаётган пайтда лабораторияда кучли портлаш юз бериб, 8 нафар киши, шу жумладан, унинг 20 ёшли укаси Эмил ҳам ҳалок бўлади. Бу ғамни кўтара олмаган отаси дардга чалиниб ётиб қолади ва сал вақтдан сўнг вафот этади. Шундай бўлса-да, Нобел нитроглицеринни жиловлаш бўйича қилаётган ишини бир дақиқа ҳам тўхтатмай 1867 йилда муваффақиятга эришади ва ушбу хавфли суюқликдан қаттиқ динамит яратади. Алфред кашф этган бу ашё патенти унга кўз кўриб, қулоқ эшитмаган даромад келтиради, кашфиётчининг ўзини эса бутун дунёга "динамит отаси" сифатида танитади. Лекин Нобел "динамит отаси" бўлиб танилгани билан шахсий ҳаётда бахти чопмайди. У 20 ёшида дорихона хизматчиси бўлган гўзал француз қизини ёқтириб қолади. Унга уйланиш тўғрисида таклиф қилмоқчи бўлиб турганида, қиз тўсатдан касалликка чалиниб, вафот этади. Бу қўргуликдан Нобел узоқ вақт ўзига келолмайди. Орадан кўп йиллар ўтса-да, Алфред оила қуришни ўйламасдан, ўзининг ишлари билан банд, ёши эса қирқни қоралаб борар эди. "Севги ёш танламайди" деганларидек, кунлардан бир кун унинг ишқи Венадаги гул дўкони сотувчиси, энди 20 ёшга тўлган Софи Гессга тушиб қолади. Лекин Нобелнинг бу гўзал билан бўлган ишқий муносабатлари ҳам омадсиз якунланади. Чунки Софи у ўйлагандек, виждонли инсон бўлиб чиқмайди. Шундан кейин Алфред ўз муҳаббатини замонасининг буюк актрисаси Сара Бернерга изҳор этади. Унга уйланишга розилик олиш учун Нобел суюкли онасига мурожаат қилганда, ундан қатъий рад жавобини олади. "Ўғлим шуни билгинки, – дейди онаси, — артистларнинг шахси, ҳаёти уларни саҳнада ўйнайдиган роллардан иборат бўлади ва улар ҳамма нарсани артистлик фаолиятидан келиб чиқиб баҳолашади. Сенга артист эмас, оилапарвар ва меҳрибон хотин керак". Онасининг бу гаплари таъсирида Нобел актрисани бутунлай хаёлидан чиқаради. Берта Кинск билан севги ва муҳаббат бобидаги муносабатидаги мағлубиятдан сўнг Нобел шахсий ҳаёти, яъни уйланиш ва оила қуриш тўғрисида ўйлашни бас қилиб, бутун ҳаёти, ақли ва зеҳнини бир мақсад йўлида — инсоният манфаати учун изланишларга бахшида этишга аҳд қилади. Айни шу пайтлари бир ўртоғига ёзган хатида шандай жумлалар бор: "Яратган эгам мендан фақат бир нарсани — меҳр ва мурувватни кутаётганга ўхшайди".

Шу ўринда Алфред Нобелнинг Берта Кинск билан уларнинг ўзаро муносабатлари тўғрисида батафсилроқ тўхталмоқчимиз. Улар 1876 йилда, Альфред дунёнинг кўплаб мамлакатларида ўнлаб компаниялари бўлган йирик тадбиркорга айланганидан сўнг танишишади. Тинимсиз меҳнат, кетма-кет ташкил этилаётган фирма ва компаниялар нинг ташвишларидан толиққан Алфред ўзига ёрдамчи олмоқчи бўлади ва бу ҳақда газетада қуйидаги мазмунда эълон беради. "Бадавлат, юксак билимли, кекса жаноб котибалик ва уй бошқарувчилиги учун ўрта яшар, хорижий тилларни яхши биладиган хонимни қидирмоқда".

(Давоми бор)

Мирза ТУРСУНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист

Jinoyat va jazo

ЛОҚАЙДЛИК ИНТИҲОСИ

СУД ОЧЕРКИ

(Давоми. Боши учинчи бетда)

29 декабр куни Сирожиддин автомашинасида Эшмурод, Шавкат ва Худойбердини Гулистон туманидаги "Янги ҳаёт" деҳқон-фермер хўжаликлари уюшмасига олиб борди. Улар шу қишлоқлик Раҳматулла Мирзаевнинг уйи олдида турган "Т 28х4" русумли, нархи 2336040 сўмлик тракторни кўз остига олишди. Аввалдан келишганларидек, кечқурун соат 7 яримларда тракторчини уйидан Эшмурод ва Шавкат чақиришди, Сирожиддин ва Худойберди эса "Тико" билан четроқда кузатиб туришди.

— Боёвут разъездида яшаймиз, бир тележка шолини Гулистон туманидаги Улуғбек номидаги хўжаликнинг шоли тегирмонига олиб келишимиз керак. Хизмат ҳақингизга 8 минг сўм берамиз, – деди Эшмурод.

Раҳматулла Мирзаев бу таклифга рози бўлгач, уйига кириб иссиқроқ кийиниб чиқди, тракторга ёқилғи қуйди, сўнг трактор тиркамасини қўштирди. Одатдагидек, ҳар икки "мижоз" тракторчининг ёнидан жой олишди. Узоқда турган Сирожиддин ва Худойберди эса келишилгандек шаҳарга қайтиб кетишди. Келишилган жойга боришгач, Эшмурод тракторни канал тарафга ҳайдаттирди.

Трактор каналга яқин келган пайтда тракторчига пичоқ ўқталиб, уни пастга туширишди ва "ғинг десанг ўлдирамиз" дейишиб, қўл-оёғини боғлаб, зовурга ятириб юборишди. Иккала босқинчи эса йўлда давом этишди. Бироздан сўнг Шавкат "Мен Гулистон шаҳри орқали кетаман" деб трактордан тушиб қолди. Тракторни Эшмуроднинг ўзи ҳайдаб кетди. У Боёвут раъезди орқали "Гулистон-Янгиер" йўлига чиққач, ортидан Сирожиддин ва Худойберди етиб келишди. Шунда Эшмурод уларга "Мен Зоминдаги Даштобод шаҳри томон кетавераман, сизлар ёнилғи олиб етиб боринглар", деб тайинлади. Сўнг икки чопарни Ховос тумани ҳудудида кутиб олиб, улардан 20 литр дизел ёнилғиси олиб қолди. Эртасига яна божхона назоратини четлаб, айланма йўллар билан тракторни Тожикистонга олиб боришди ва уни Раҳмон Мазбутовга 400 минг сўмга сотиб юборишди.

Пулнинг чўғи камайгач, жиноий гуруҳ яна босқинчилик қилиш режасини тузишди. Уларнинг навбатдаги ўлжаси Янгиер шаҳрида яшовчи Анатолий Петровнинг "МТЗ-80" русумли трактори бўлди. Эшмурод ва Худойберди ерни ҳайдаш керак, яхши ҳақ тўлаймиз, деб, Анатолий Петровни трактори билан Ховос тумани ҳудудига боришиб, унинг ҳаётига суиқасд қилишди.

Бу тракторни ҳам Тожикистонга олиб боришиб, яна Раҳмон Мазбутовга сувтекинга сотиб юборишди.

Албатта, кетма-кет содир этилган босқинчилик ва қотиллик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг эътиборидан четда қолгани йўқ. Дарҳол суриштирув-тергов гуруҳи тузилиб, қидирув ишлари бошланди ва содир этилган қотиллик услуби бир хил эканига алоҳида эътибор қаратди. Дастлаб Раҳматулла Мирзаевнинг кўрсатмалари асосида Эшмурод Бердақовнинг шахси аниқланди. Тергов-суриштирув ишлари натижасида уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларнинг бутун тафсилотлари маълум бўлди ва қолган жиноятчилар ҳам қўлга олинди. Даштобод шаҳрида яшовчи Эшмурод Бердақов, Худойберди Эргашев, гулистонлик Сирожиддин Ғафуров ўзганинг мулкига босқинчилик йўли билан эгалик қилиб, иккита "МТЗ-80" ва "Т 28х4" русумли тракторни қўшни республикага сотиб юборишганини тан олишди. Шу тариқа нафс васвасасига учган кимсаларга қилмишига яраша жазо тайинланди. Бироқ кишини ўйлантирадиган томони шундаки, бу жиноий гуруҳ аъзолари катта ҳаётга энди қадам босиб келаётган ёшлардан иборат. Икки нафар бегуноҳ инсоннинг умрига зомин бўлган бу кимсаларнинг қилмиши ҳақида ўйлаб кўрганда, киши кўнглида кўплаб ҳақли саволлар туғилади: уларнинг юрагида бундай ёвуз ният қачон илдиз отиб улгурди? Наҳотки, бундан ота-она, қариндош-уруғ, маҳалла-кўй бехабар қолди? Бундай жиноий қилмишлар лоқайдлик, "сен менга тегма, мен сенга тегмайман" қабилида иш тутиш туфайли содир этилмадимикан?

Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?!

Ш. ТУРСУНОВ,
ҳуқуқшунос
Абдулазиз ЯХШИЛИҚОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири



Taassuf

ҚАСД ЎТИ

Намозбой ота (исм-шарифлар шартли равишда ўзгартирилган) уйга қайтмаган ўғлидан хавотир олиб, туни билан мижжа қоқмай чиқди. Унинг йўлига кўз тикиб ўтирди, эшик тиқ этса, юраги ўйнаб кетди. Бироқ ўша тун ўғли уйга қайтиб келмади. Эрталаб ҳовлига отанинг катта ўғли кириб келди.

— Ўғлим, – деди ота унга ҳорғин овозда, — мабодо уканг сен тарафга айланиб бормадими?

— Йўқ, – дея жавоб қайтарди ўғил.

Намозбой отанинг аъзои-бадани баттар муз тортиб кетди. Юрагини ваҳима босди.

— Кеча кечки пайт обжувоз тарафга ғишт тергани кетганди, – деди ота, — ҳозиргача бирон-бир хабар йўқ. У ёқ-бу ёқни қараб кел-чи?

Шундан сўнг ака велосипедни миниб, укасини излаб кетди. У укасини буғдойзордан излаб топди. Уни узоқдан туриб, бир кўришдаёқ таниди. Укаси худди эс-ҳушини йўқотган кимса сингари бошини чангаллаганча қотиб ётарди.

— Аҳмоқ, – деди ака ўзича, — одам ҳам шунчалик ичадими?! Орқа-олдингга қараб, улфатчилик қилсанг бўлмайдими?!

Ака укасига яқин борди. Бордию, унинг афт-ангорига кўзи тушиб, қўрқувдан кўзлари қинидан чиқиб кетай деди. Чунки укаси қонига беланган кўйи ҳушсиз ётарди.

— Тур ўрнингдан, укажон, – деди ака беихтиёр, — тур, уйга кетамиз.

Бироқ уканинг на ўрнидан туришга, на қимир этишга ҳоли бор эди. У аллақачон омонатини топшириб бўлганди.

— Сени бу аҳволга кимлар солиб қўйди?! – дея ака ўзини тутолмай дод солиб юборди. Шу яқин атрофда юрган икки киши унинг фарёдини эшитиб, ёрдамга ошиқди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари томонидан тузилган тезкор жиноят қидирув гуруҳи аъзолари зудлик билан воқеа жойига етиб келишди. Жиноят содир этилиши сабаблари ўрганила бошланди. Кўпчиликда жиноят автотранспорт ҳодисаси туфайли содир этилган, деган тахмин мавжуд эди. Бироқ бу тахмин охир-оқибат ҳақиқатдан йироқ бўлиб чиқди. Шу билан бирга қотилни топиш унчалик қийин кечмади. Чунки қотил жиноятни содир этгач, азбаройи қўрқувга тушганданми, шоша-пиша уйига равона бўлган, унинг устидан томчилаб оққан қон йўлда из қолдирган эди. Аслида ҳам ана шу қон бу жиноятни тез орада фош этилишида ёрдам берди.

— Судланувчи Мурод ўғлим бўлади, – дейди суд мажлисида Маткарим Қобулов, — марҳум эса қудамиз эди. Ўғлим билан Зокиржон бундан тўрт-беш йил бурун бир тўйда ўзаро жанжаллашиб қолган. Сўнг ўғлим ана шу жанжал туфайли қамалиб чиққанди. Бу жиноят содир этилган кун оқшом ўғлим ҳарбий хизматдан қайтган аскар йигитни кўргани кетганди. Уни қачон уйга қайтганини ва болтани олиб қандай уйдан чиқиб кетгани, нима эса қизигандан қизиб, куй-қўшиқ айни авжи палласига чиққанида, йигитлар ўртасида ўзаро даҳанаки жанжал чиқди.

— Йигитмисан ўзи?! — деди жаҳл отига минган Мурод. — Нега сен менинг ишимга бурнингни суқасан?

— Нега суқмас эканман?! – деди Зокир ҳам асабийлашган куйи. — Ахир, Севара менга қайнсингил бўлади. Сен буни билмайсанми? Нима учун унга тегажоқлик қиляпсан?!

Мурод ўзини тутиб тура олмади. У муштига зўр бериб, Зокирга оғир тан жароҳати етказди. Никоҳ тўйида бошланган жанжал Мингбулоқ тумани судининг 1999 йил 8 ноябрдаги мажлисида якун топди. Суд ҳукмига кўра, Мурод Қобулов Жиноят кодексининг 277-моддаси 3-қисмининг "в", "ж" бандларида қайд этилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилди ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

— Мурод билан қамоқда бирга бўлганмиз, – дейди суд мажлисида гувоҳ Ҳакимжон Мирзаев. — Бироқ ўша ерда ҳам укамни уриб, қамалганини менга айтмаган. Ўша куни кечки пайт укам Зокиржон билан томорқада картошка экдик. Кейин укам "эски шийпондан ғишт олиб келаман", деб аравани бериб туришни сўради. Мен унга бормагин десам, укам унамади. Ўшанда уни сўнгги марта кўриб турганимни хаёлимга ҳам келтирганим йўқ.

— Судланувчи Мурод ўғлим бўлади, – дейди суд мажлисида Раҳима Қобулова, — марҳум томон билан эса қудамиз. Илгари тўйда ўғлим билан Зокиржон жанжаллашиб қолган ва шу сабабли судланиб қамалиб кетганди. Амнистия туфайли икки йилда қамоқдан қутулиб келди. Биз уни тенгини топиб уйлантириб қўйгандик. Бир нафар фарзандли бўлди. 17 феврал куни ўғлим далада эди. Келинимнинг қариндоши ўша куни армиядан келган эди. Муроджон аскар йигитни кўргани борди. Қайтиб келгач, дам оламан, деб уйга кириб кетди. Шу бўйи ўғлим бошқа қорасини кўрсатмади. Фақат эртасига Зокиржоннинг вафот этганини эшитиб, уларникига чиқдик. Ўша куни уйимизга жиноят қидирув гуруҳи келиб, ҳаммаёқда тинтув ўтказишди. Томдан болтани топиб олишди. Шотида ҳам қон доғлари бор эди.

* * *

Мазкур қотиллик рўй берган кун қишлоқдаги яна бир оилада шоду хуррамлик авжида эди. Яъни Шавкат Раҳмонов ҳарбий хизматдан қайтиб келган, қишлоқ аҳли, қариндош-уруғ аскар йигитни кўриш учун ҳовлида йиғилишган эди. Кўпчилик қаторида Мурод ҳам хизматдан қайтган қариндошини кўргани борди. У қариндошининг ҳовлисида ким билан суҳбатлашди, кимлар билан улфатчиик қилди — бу бизга қоронғу. Фақат у уйига ғира-шира қоронғу тушаётган маҳалда қайтди. Айни шу пайт катта асфальт йўлдан аравани судраб кетаётган Зокирга кўзи тушди-ю, юрагининг туб-тубида чўкиб ётган эски адоват, кин-ғараз ғимирлади.

У бирдан ўч олиш ниятига тушиб қолди. Сўнг ана шу ниятда уйга шошиб кирди-да, болтани қўлига олиб, қайтиб чиқди. Кейин ажал элчисидек Зокирнинг изидан тушди.

Улар ўртасидаги савол-жавоб қисқа бўлиб ўтди. Ҳолбуки, иккиси ҳам бир-бирини нега таъқиб этаётганини ич-ичидан яхши билиб турарди.

— Ғиштларни қаерга олиб кетаяпсан?! – деб сўради дўқ урганча Мурод.

— Нима ишинг бор? – жавоб қайтарди Зокир. — Ишимга аралашма!

— Нима дединг?! – дея қўлидаги болта билан ҳамла қилди Мурод. — Нега аралашмас эканман? Эсингдан чиқдими? Сен ҳам мени ишимга бир маротаба аралашган эдинг. Мен ҳам ўз қарзимни узиб қўяй...

Яқинда суд ҳукми билан Муродга қилмишига яраша жазо тайинланди. Лекин адоват ва жоҳиллик қолдирган армон қачон унутилиши номаълум.

Давлатмирза КОМИЛОВ,
ҳуқуқшунос
Маъмур МУСУЛМОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири

«Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетаси ҳамда «Ҳаёт ва қонун» юридик журнали бирлашган таҳририяти жамоаси таҳририят ходими Абдуғани Жумаевга онаси *ЗАВРА аянинг* вафот этгани муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ИНСОН ВА ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2003 йил 29 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 078-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ, Бўритош МУСТАФОЕВ, Пўлат САМАТОВ, Хуршид СОДИҚОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Сайфиддин РАҲИМОВ, Ғафур АБДУМАЖИДОВ, Маҳмуд САТТОРОВ, Ислом ҲАМРО, Холли НОРБОЙ, Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар эгаларига қайтарилмайди ва уларга ёзма жавоб берилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Факт ва далиллар тўғрилиги учун масъулият муаллифлар зиммасидадир.

Саҳифаловчи-дизайнер: Жаъфар ЖАББОРОВ

Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-718. Тиражи — 7.000. Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 22.30

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

1 2 3 4 5